

ЧҮПОНЛАР ЭСДАЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1957

Қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари
М. Н. Лушчихин, Т. А. Степенко
С. Т. Турсунов, зоотехниклар Е. С.
Друженкова, Л. Н. Полянинова,
Н. А. Курганов, С. П. Михайлов
ва ветеринария врачи Д. Н. Пономарёвlar томонидан ёзилиб, Қирғизистон
ССР Давлат Нашриётида нашр этилган бу
китобча П. А. Фадеичев томонидан Ўзбекистон шароитига мослаб ишлаб чиқилди.

СҮЗ БОШИ

Жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг турмушини яхшилаш, совет халқининг моддий фаровонлигини ошириш ва мамлакатимиздаги ҳамма аҳолининг маданий савиясини кўтариш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди олтинчи беш йилликда СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш масаласини муҳокама қилди. Бу съезд ўз қарорида: «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи беш йиллик планининг асосий вазифалари — оғир саноатни устун даражада ривожлантириш, техникани тинмай тараққий эттириш ва меҳнат унумини ошириш базасида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кенг миқёсда ўстиришни таъмилашдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кескин равишда юксалтирищни амал-

га оширишдан ва шу асосда совет халқининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини аңча оширишга эришишдан иборат» эканлигини уқдириб ўтди.

КПСС ХХ съезди ўзининг олтинчи беш йиллик план туғрисидаги Директиваларида қишлоқ хўжалик, шу жумладан чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш масаласига жуда катта эътибор берди.

Бу Директиваларга мувофиқ, 1960 йили 1955 йилдагига нисбатан Совет Иттифоқида гўшт 2 баравар, сут 195 процент, жун 182 процент, тухум 254 процент кўпайтирилиши лозим.

Ўша давр мобайнида Узбекистон ССРда гўшт 2,4 баравар, сут 2,3 баравар, жун 1,9 баравар, қоракўл тери 1,5 баравар оширилиши керак.

Қўйчилик соҳасида Узбекистон ССР даги ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидаги майин ҳамда ярим майин жунли қўйчиликни ривожлантириш имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш, шуннингдек қоракўл қўйлар ҳамда гўшт ва ёғ учун асралаётган қўйларнинг зотларини тобора кўпайтириш зарурлиги уқдириб ўтилди.

Олтинчи беш йилликда ҳар қўйдан қирқиб олниадиган жуннинг ўртача миқдори 27 процент кўпайтирилиши лөзим.

Ҳурматли чорводорлар! Сизларга жуда катта жамоат бойлиги топшириб қўйилган. Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, колхоз ва совхозларни мустаҳкамлаш, хўжаликларнинг даромадини ошириш, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий савиясини кўтариш тўғрисида КПСС XX съезди томонидан қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан сизларнинг астойдил ишлашингизга боғлиқдир.

Ўзбекистондаги илғор колхоз ва совхозлар чўпон бригадаларининг яхши ишлашлари туфайли ажойиб ютуқларга эришдилар. Бу хўжаликлар жамоат чорва молларининг сонини ва маҳсулотини ҳар йили ошириб, чорвачиликдан катта даромад олмоқдалар.

Бунда мисол қилиб, энг йирик ва илгор қоракўлчилик колхозларидан Самарқанд область, Пахтакор районидаги «Ленинчи чорвадор», Қашқадарё область, Бешкент районидаги З-Интернационал номли ҳамда Бухоро область, Томди районидаги Хрушчев номли колхозларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Бу колхозлар қўйчиликдан ҳар йили 3,5—4 миллион сўм даромад олмоқдалар. Бу хўжаликларнинг ўнларча илғор чўпонлари ҳар 100 совлиқдан 110—115 қўзи олиб, улардан насл учун қолдирганларини нобуд қўймай ўстирмоқдалар, қўйларнинг жун миқдорини тобора оширишга ва

95—97 процентгача биринчи сорт қоракўл тери топширишга эришмоқдалар.

Партия ва Ҳукуматимиз мамлакатимиздаги қўйчиликни тобора ривожлантириш масаласига ғоят катта эътибор берадилар. Янги яйловларга сув чиқариш, қўйчилик фермаларида чўпонлар учун уйлар ва бошқа чорвачилик иморатлари қуриш ҳамда чорвачиликдаги оғир ишларнинг анчасини машиналаштириш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ, республикамиздаги кўпгина колхозлар қўйчиликка ҳали ҳам кам эътибор берадилар, ем-хашак тайёрлаш планларини йилдан-йил бажармай келадилар, қўйхоналар қуриш тўғрисида гамхўрлик қилмайдилар, бир неча ойлар ўз қишлоқлари ва маданий марказлардан ажралиб яшовчи чўпонлар учун яхши маданий-маиший шароит яратиб бермайдилар.

Бундай колхозларда қўйлар кўпаймайди, улар кам маҳсулот беради ва кўп қўйлар нобуд бўлади. Баъзи колхозларда ем-хашак етарли бўлиб, яхши чорвачилик бинолари бўлса ҳам, моллар қониқарсиз аҳволда асралади ва кам маҳсулот беради. Бунда албатта, чорвадорларнинг ўzlари айбдор. Чунки бундай ҳолларда ҳамма нарса чўпон бригадаларининг ишларига, уларнинг ўз вазифаларига вижданан қарашларига ўз ишларини яхши билишларига ва севишлирага боғлиқдир.

Хурматли чўпон ўртоқлар!

Сизлар жамоат чорвачилигини ривожлантириш учун бораётган курашнинг ҳал қилувчи соҳасида меҳнат қилмоқдасиз. Сизларга қишлоқ хўжалигини кескин даражада юксалтириш учун илғор курашчи деган шарафли вазифа юкланган. Сизлар Ватанимизнинг баҳт-саодати учун ҳалол меҳнат қилиб, ҳалқимизнинг ишончига муносиб иш олиб боришингиз керак. Мамлакатимиз сизлардан ана шуни кутади.

Сизларга топширилган жамоат қўйларини нобуд қилмай асрашга, улардан мумкин қадар кўпроқ қўзи олишга, қўйларнинг маҳсулдорлигини тобора оширишга эришингиз.

Социалистик мусобақага актив равишда қатнашингиз, илғор чўпонларнинг тажрибаларини қўлланингиз, зоотехника билимларини дадиллик билан эгаллангиз.

Бу китобчада сизларга анчагина фойдали маслаҳатлар берилади. Шу маслаҳатларни амалга оширишга ҳаракат қилингиз.

Ҳозир бутун совет ҳалқи партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигидаги барча тармоқларни кескин равишда юксалтириш юзасидан чиқарган тарихий қарорларини амалга ошириш устида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Сизлар ҳам ҳалол меҳнат қилингиз. Шуни ях билиш керакки, сиз қанча кўп қўй ўстирсангиз мамлакатимизга шунча кўп гўшт, жун ва бошқа

Чорвачилик маҳсулотлари берилб, Ўатанимиз шунча бой ва шунча қувватлироқ бўлади, барча совет халқлари фаровонроқ ва маданийроқ яшайди, коммунизмнинг тўла ғалабасига шу даражатеэроқ эришамиз.

УЗБЕКИСТОН ҚЎЙЧИЛИГИ ТАРИХИДАН

Ўзбекистонда қўйчилик чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Деҳқончилик билан шуғулланиш имконияти жуда ҳам чекланган бепоён саҳро ва чала саҳро яйловларда қўйчилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғини ташкил қиласди.

Ўзбекистонда қадимги замонлардан бери қўйларнинг бошқа зотларига нисбатан қоракўл қўйлари энг кўп асралади. Қоракўл қўйлари бундан бир минг йил олдин вужудга келтирилган бўлса ҳам, қаттиқ саҳро шароитига жуда мослашиб олганлиги ва қиммат баҳо тери бериши туфайли, то ҳозиргacha ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ўзбекистондаги барча қўйларнинг 60 процентдан кўпроғи қоракўл қўйлардан иборат. Совет Иттифоқида тайёрланаётган қоракўл териларнинг деярли ярмисини фақат Ўзбекистон беради. Ўзбекистон республикаси қоракўл терининг сифати жиҳатидан ҳам СССРда биринчи ўринда туради. Қоракўл қўйлар қиммат баҳо теридан ташқари, яхши сифатли дағал жун ҳам беради, уларнинг ҳар биридан ўрта ҳисоб билан 2,5—2,7 килограмм жун олинади.

Ўзбекистон ССРнинг тоғ олди ва тоғлик районларида қадим замонлардан берли сергўшт-серёғ думбали қўйлар ҳам урчтилмоқда. Бу қўйлар орасида гўшт-ёғ маҳсулотини кўп бериш жиҳатидан хисор қўйлари биринчи ўринда турди. Хисор қўйлари бутун ер юзидағи энг йирик жуссали зотлардан биридир. Масалан, хисор совлиқларининг вазни 120—130 килограмм, қўчқорларники эса 170 килограммгача боради. Хисор қўйларниң кўпчилиги Сурхондарё области ва Тожикистон ССРнинг тоғлик районларида боқиласди.

Ҳозир Ўзбекистонда 300 мингга яқин хисор қўйи бор. Процент ҳисоби билан олганимизда, хисор қўйлари Ўзбекистондаги барча қўйларнинг тахминан 5 процентини ташкил этади. Хисор қўйлари сергўшт-серёғ бўлганлари ҳолда, уларнинг жуни жуда паст ва дағал бўлади. Бунинг устига ҳар бирининг жуни 1—1,2 килограммдан ошмайди.

Ўзбекистондаги думбали қўйларнинг бошқа қисми жайдари зотлардан иборат. Жайдари қўйлар хисор қўйларига нисбатан майдароқ бўлса ҳам, кўпроқ ва яхшироқ сифатли жун беради. Ўзбекистон ССР да 1936 йили жайдари қўйларнинг гўшт-ёғ маҳсулотини яхшилаш ва ошириш мақсадида жайдари совлиқларни хисор қўчқорлари билан чатиштириш иши бошланган эди. Бироқ, бу иш мўлжалланган натижани бермади. Серўт тоғ яйловларида етиштирилган жайдари дурагайларнинг гўшт-ёғ сифати яхшиланмади, шу билан бирга жун сифати анча пасайди. Ҳозир Ўзбекистондаги жайдари қўйларнинг кўпчилиги хисор қўчқорлари

билин чатиштиришдан олинган дурагайлардан иборат.

Шуни эътиборга олиб ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1955 йил январь Пленуми қарорига асосан, Ўзбекистон ССРда думбали совлиқларни ярим майин жунли сермаҳсул зотларнинг қўчқорлари билан чатиштириш иши бошланди. Бу тадбир каммаҳсул жайдари қўйларни кўпроқ ва яхши сифатли гўшт-ёғ берадиган ярим майин жунли қўйларга айлантириш мақсадида олиб борилади.

1956 йилда бу қўйлардан биринчи бўғин дурагайлар олинди. Текшириш натижалари биринчи бўғин дурагай қўзиларнинг анча ҳаётчан эканлигини кўрсатди, аммо уларнинг кўпчилигида жун сифати ҳали қониқарли эмас. Бу камчиликни бартараф қилиш учун, биринчи бўғин дурагай совлиқларни ярим майин жунли қўчқорлар билан чатиштириб иккинчи бўғин дурагайлар етиштириш ва улар устида зоотехника ишлари олиб бориш асосида Ўзбекистоннинг ўзига хос ярим майин жунли қўйлар яратиш мўлжалланади. Лекин думбали қўйларни яхшилаш ва ярим майин жунли қўйларга айлантириш билан бир қаторда дурагай қўйларни озиқлантириш ва асраш шароитлари ҳам яхшиланиши лозим. Шундай қилинмаганида майин жунли қўйлар яратиш соҳасида бошланган ишлар мўлжалланган натижани бермаслиги турган гап. Буни исботлаш учун, Ўзбекистонда сержун қўйларни урчитиш юзасидан 1930—1939 йилларда олиб борилган иш натижаларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. У йилларда дурагай қўйларнинг сони 25—30 мингга етказилган эди. Бироқ, четдан келтирилган майин

жунли қўчқорларни ва улардан олинган дургай қўйларни боқиши ҳамда асраниш шароитлари яхшиланмаганлиги сабабли улар кўпаймади, четдан янги қўчқорлар келтириш тўхтатилиши билан дурагай қўйларнинг сони тезда камайди ва 1945 йилга келиб бу қўйлар деярли йўқолиб кетди.

Ўзбекистон қўйчиликнинг ҳозирги вазифаси — қоракўлчиликни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришдан, каммаҳсул думбали қўйлар асосида ярим майин жун берадиган дурагай қўйлар яратишдан, хисор қўйлари урчтиладиган районларда эса бу қўйларнинг сонини тобора кўпайтириш ва маҳсулдорлигини оширишдан иборатdir.

ЖУН ВА УНИНГ ХОССАЛАРИ

Жун


Жун қўйчиликнинг асосий маҳсулотидир. Қўйларнинг жуни шоҳ моддаларидан тузилган толалардан иборат. Жун толалари ўзларининг ташки кўриниши ва тузилиши жиҳатидан ҳар хил бўлади ва қўйидаги тўртта турга ажратилади.

Тивит — йўғонлиги 10 дан 25 микронгача (микрон — миллиметрнинг мингдан бир қисми) келадиган энг ингичка толалардан иборат. Бу толаларнинг ўртасида найча бўлмайди, яъни улар яхлит бўлади.

Ўрталик жун — йўғонлиги 27—36 микрон келади ва узук-узук ўзакли, анча ўзун толалардан иборат бўлади.

Қилтиқ жун — одатда узун, ялтироқ толалардан иборат бўлиб, йўғонлиги 50—70 микрон келади, найчаси юраксимон бўлади.

Ўлик жун — эиг йўғон ва мўрт толалардан иборат бўлиб, йўғонлиги 70—150 микрон келади, толаларнинг бир учидан иккита чи учигача юраксимон найча ўтади (1-расм).



1 - расм. Жун толалариининг тузилиши.

Қўйларнинг япоғи жуни қандай толалардан иборат бўлишига қараб, улар қуйидаги группаларга ажратилади.

Майин жунли қўйлар. Бу қўйларнинг жуни бир хил тивит толаларидан иборат бўлади. Тивит толалар лўппа-лўппа бўлиб ўсади. Жун толаларининг узунлиги 7—8 сантиметр келади.

Ярим майин жунли қўйлар. Бу қўйларнинг жуни чочиқ-бўшанг лўппали ёки майин попукли

бир хил ўрталиқ жундан ёхуд дағал тивитдан иборат бўлади.

Ярим дағал жунли қўйлар. Бу қўйларнинг жунида тивит эпг кўн, ўрталиқ жун билан майин қўлтиқ жун эса анича оз миқдорда бўлади. Демак, уларнинг яшми жуни лўппа-лўппа бўлиб турмай, балки юнукланиб турадиган хилма-хил толалардан иборат бўлади.

Дағал жунли қўйлар. Бу қўйларнинг жуни попукланиб турадиган тивит, ўрталиқ жун, қўлтиқ ва ўлик жунлардан, яъни хилма-хил толалардан иборат бўлади.

Жунларнинг энг яхшиси майин жун бўлиб, ундан қиммат баҳо газламалар тайёрланади. Жун қанча дағал бўлса, унинг қиммати шунча пасаяди.


1956 йил 1 майдан бошлаб колхозлар ва айрим кишилар томонидан давлат мажбурияти тартибида топшириладиган жун учун қўйидаги тайёрлаш нархлари белгиланди:

Жуннинг хиллари	100 процент тоза жун чиққанида 1 килограмм учун тўланади
Отбор майин жун	95 сўм
I класс, I кенжा класс отбор майин жун	90 .
I класс, II кенжা класс отбор майин жун	84 .
I класс ярим майин жун	57 .
I класс ярим дағал жун	38 .
I класс дағал қоракўл қўй жуни	33 .
I класс дағал думбали қўй жуни	28 .
Дағал хисор қўйининг жуни	14 .

Жуннинг хоссалари

Жуннинг энг муҳим хоссалари гажакланиш, узун-калталик, ингичкалик ва пишиқликдан иборат. Кўйларнинг жуни толаларининг қай даражада гажакланиши, узун-калталиги, ингичкалиги ва пишиқлигига қараб баҳоланади.

Жуннинг гажакланиши. Жун толаси ўсган пайтида гажакланади. Тола қанча



2 - расм. Жун толаларининг гажакланиш шакллари.

ингичка — майин бўлса, унинг гажаклари шунча кўп бўлади. Гажакларнинг шакли ҳар хил бўлади. Майин жуннинг гажаклари: ясси, нормал, баланд ва илмоқ (ҳалқа) симон шаклларга ажратилади (2-расм).

Жуннинг гажаклари нормал даражада бўлгани яхши. Бундай гажакнинг баландлиги ва эни бир хил бўлади. Бу эса жуннинг сифати яхшилигини кўрсатади. Гажаклари пайпокдан сўкилган ипга ўхшаб турган, яъни илмоқсимон гажакли жунлар энг паст сифатли ҳисобланади. Бундай жунлар қўйнинг қурсогида кўпроқ бўлади, баъзан эса бутун япоғи жунидаги толалар

шу хилда гажакланган бўлади. Бундай гажаклар жуда сийрак жунли қўйларда учрайди. Илмоқсимон гажакли жун одатда, пишиқ бўлмайди.

Жуннинг тифизлиги. Тифизлик деганда, жун толаларининг терига жойланиш зичлиги тушунилади. Қўйлардан қирқиб олинадиган жун миқдори ва сифати унинг тифизлигига боғлиқдир. Жун тифиз бўлса, унинг ичига чанг ва бошқа ифлослнклар шунча кам киради.

Жуннинг узунлиги деб жун лўппаси ва попугининг табиий гажакланган, яъни тортиб чўзилмаган ҳолдаги бўйига айтилади. Жуннинг узунлиги қўйларнинг зотларига қараб ҳар хил бўлади. Узунлиги 5 дан 10 сантиметргача келадиган энг калта жун қўйларнинг майин зотларида бўлади. Узунлиги 30 дан 40 сантиметргача келадиган энг узун жун, ярим майин жунли (куйбишев ва линкольн) қўйлардан олинади.

Фабрикаларда ишлаш вақтида толалари бир хил бўлган жун, унинг узунлигига қараб, мовут ва комволъ жунларига ажратилади.

Толаларининг узунлиги 5,5 сантиметрдан калтароқ жун — мовут жуни, 6,5 сантиметр ва ундан узунроқ жунлари комволъ жун деб айтилади. Узунлиги 5,5 дан 6,5 сантиметргача бўлган жунлар ярим комволъ жун дейилади. Комволъ жун қимматроқ баҳоланади.

Майин жунли қўйларнинг жуни йилига бир марта олинади.

Жуннинг ўсишига қўйларни боқиш ва асрараш шароитлари анчагина таъсир этади. Қўйлар яхши боқилмаса уларнинг жуни жуда секин ўсади ва жун қирқишиш вақтига келганда, яхши боқилган қўйларнинг жунига нисбатан 2—4

сантиметр калтароқ бўлади. Қўйлар оч қолганида, уларнинг жуни деярли ўсишдан тўхталади.

Жуннинг ингичкалиги. Толаларнинг кўндаланг кесими жуннинг ингичкалиги дейилади. Жунни йигириш вақтида унинг ингичкалиги жуда катта роль ўйнайди. Жун қанча ингичка бўлса, ундан шунча ингичка ип йигирилади ва 1 центнер жундан шунча кўпроқ метр ип олинади. Шу сабабли, саноатда жунни сорт ва сифатларга ажратишда унинг ингичкалиги асос қилиб олинади.

Жуннинг ингичкалиги лабораторияларда микроскоп билан улчанади. Қўйларни бонитировка қилиш ҳамда жунни саноат корхоналарида ишлаш вақтида жуннинг ингичкалиги маҳсус усул билан аниқланади. Бу усул қўлланилганда бир хил толали ҳамма жунлар сифат деб аталаған 12 классга бўлинади. Жуннинг ҳар бир сифати (класси) учун микрон ҳисоби билан қўйидаги ингичкалик белгиланган:

Бир хил толали жунни ингичкалигига қараб классларга ажратиш жадвали

Ингичкалик сифатлари (класслари)	Толанинг ингичкалиги (микрон ҳисобида)		Ингичкалик сифатлари (класслари)	Толанинг ингичкалиги (микрон ҳисобида)	
	дан	гача		дан	гача
80	14,5	18,0	50	31,1	34,0
70	18,1	20,5	46	34,1	37,0
64	20,6	23,0	44	37,1	40,0
60	23,1	25,0	40	40,1	43,0
58	25,1	27,0	36	43,1	55,0
56	27,1	31,0	32	55,1	67,0

Сифатни кўрсатадиган (жадвалнинг биринчъ хонасидаги) рақам ювилган ва таралган муайян миқдор жундан қанча ип йигириш мумкинлигини билдиради. Масалан, 70 сифатли жундан 70 калава ип, 64 сифатли жундан 64 калава ип олиш мумкинлигини ифодалайди ва ҳоказо.

Жуннинг ингичкалиги ҳам, узуилиги каби, қўйларни боқишиш шароитига боғлиқдир. Қўйлар камроқ озиқ билан боқилганида уларнинг терисига озиқ моддалар етарли миқдорда келиб турмаганлиги сабабли, жун анча ингикча бўлиб ўсади. Бундай боқишиш узоқ вақтга чўзилганида, жун жуда ингичкалашиб кетади. Ингичкалашиб қолган жун «пуч жун» дейилади. Қўйларни камроқ озиқ билан боқишиш узоқ давом қилмаганида, ҳар бир жун толаси ёппасига ингичкаланмасдан, балки унинг ярим ёки бир сантиметр чамасида айрим қисмигина ингичкалашади. Бу хилда ингичкалашган жун нуқсонли деб ҳисобланади ва нормал жунга қараганда арzonроқ нарх билан қабул қилинади.

Жуннинг пишиқлиги. Жунни саноат корхоналарида ишлашда унинг пишиқлиги жуда муҳим бўлади. Жун толаси етарли дарражада пишиқ бўлмасдан йигириш вақтида узилса, бундай жундан пишиқ газлама тайёрлаб бўлмайди.

Жуннинг пишиқлиги ҳам қўйларни озиқлантириш шароитига боғлиқдир. Қўйлар йил бўйи нормал боқилганида уларнинг жун толалари бир хил ва пишиқ бўлади. Айрим қисмлари жуда ингичкалашиб кетган жун толалари пишиқ бўлмайди ва салгина тортилганида ҳам ингичка жойларидан узила беради.

Шундай қилиб, қўйлардан узун-калталиги ва иигичкалиги нормал бўлган жун олиш учун уларнинг семизлик даражаси ўртачадан паст бўлмаслиги шарт. Бунга эришмоқ учун чўпонлар қўйларни йил бўйи яхши боқишилари лозим.

Жунадаги ёғли тер — қўйларнинг терисидан чиқиб турадиган ёғ билин тер аралашмасидан иборат бўлиб, жунни пишиқ қилиб сақлашда катта роль ўйнайди. Ёғли тер жун толаларини ҳамиша мойлаб турганидан, уларга ёмғир сувлари шимилмайди. Шу билан бирга ёғли тер жун толаларини бир-бирига ёпиштириб турганидан, япоғи жун ичига қум, чанг ва бошқа ифлосликлар ўтмайди. Ёғли тер кам бўлганида жун толалари бир-бирига ёпишиб турмаганлиги сабабли, япоғи жун ичига қум, чанг ва бошқа ифлосликлар ўта беради, натижада жуннинг сифати пасаяди.

Кўй терисидан чиқадиган ёғли тер миқдори ҳам қўйларнинг семизлик даражасига боғлиқдир. Озиб қолган қўйларнинг терисидан ёғли тер деярли чиқмайди ва уларнинг жуни ҳамиша қуруқ бўлади. Бунинг натижасида жуннинг сифати пасаяди.

Тоза жуннинг чиқиши — бу ҳам қўйчиликдаги муҳим кўрсаткичлардан биридир. Қўйлардан қирқиб олинган жун аввало ифлос ҳолида тортиб кўрилади. Ювилганидан кейин янгидан тортилиб, ундан неча процент тоза жун чиққанлиги аниқланади.

Қўйларнинг маҳсулдорлиги улардан олинган тоза жун процентаiga қараб баҳоланиши сабабли, бу кўрсаткич қўйчиликда ғоят катта роль ўйнайди. Масалан, битта қўй 5 килограмм

жун беради, унинг тоза жуни атиги 30 процент, иккинчи қўй 4 килограмм жун беради, аммо унинг тоза жуни 50 процент бўлади. Демак, иккинчи кўйнинг тоза жуни, биринчисиникига қараганда, ярим килограмм кўпроқ бўлади.

Чўпонлар қўйларни яхшилаб, яъни уларнинг япоги жуни ифлосланишига йўл қўймасдан ўтлатиб боқсан ўторларда, қўйлари қаровсиз юрган ўторлардагига нисбатан, тоза жун анча ошиқ чиқади.

Шу билан бирга ёғли тер миқдори ҳам тоза жун чиқишига таъсир этади. Ёғли тер тоза жуннинг чиқишини бир мунча камайтиrsa ҳам, жуннинг сифатини пасайтиrmай сақлаш учун зарурдир, жунга илашган қум, чанг ва бошқа нарсалар эса тоза жуннинг чиқишини камайтиради ва сифатини пасайтиради.

Шунинг учун чўпон қўйларнинг жуни ифлосланмаслигига ҳамиша эътибор бериши, яъни жуннинг чанг, тикан ва бошқа нарсалар билан ифлосланишига йўл қўймаслиги керак. Қўйларни чангли йўллардан ва чакалак-бутазорлар ичидан ҳайдаб ўтмаслик лозим. Қўйларга хашак ташлаш ва уларнинг тагига тўшама солиш вақтида уларни қўтон ёки қўйхонадан ташқарига чиқариб туриш зарур. Қўйларни пичан ёки донли экинлар похолининг ғарамларига қўйиб юбориш ярамайди, чунки улар ғарамни бузишдан ташқари, бўйин ва орқаларидаги жунларини ҳам ифлослайди.

Қўйларнинг жуни чалов ва жакамуқ уруғлари билан ифлосланиши айниқса зарарлидир, чунки жунни одатдагича ювишда бу уруғ-

лар жунда туриб қола беради. Чалов уруғларі билан ифлосланган жун нуқсонли ҳисобланади.

Чалов қўйларнинг жунини ифлослашдан ташқари, терилариға қадалиб яллуғлантиради. Бундай қўйлар озиб қолади ва баъзан нобуд бўлади.

Қўйчиликдаги асосий ишлар

Қўйчиликдаги айрим ишлар районларнинг иқлим ва яйлов шароитларига ҳамда урчитиляётган қўйларнинг зотларига қараб бошланниши керак. Қўйчиликдаги ишларни бажариш муддатлари йилнинг об-ҳаво шароитларига, яйловларнинг аҳволига ва бошқа хусусиятларига қараб ўзгариши мумкин.

Қўзиларни оналаридан ажратиш ва совлиқларни қочиришга тайёрлаш

Совлиқларни қочиришга тайёрлаш иши қўзилардан ажратилган пайтдан бошланади. Одатда, қўзилар 4 ойлик бўлгунча оналари билан бирга асралади. Бу вақтга келганда совлиқларнинг сути камайиб қолади ва қўзилар учун асосий озик бўла олмайди.

Ўзбекистон шароитида қўзиларни оналаридан ажратишга август бошида киришилади. Тажрибакор чўпонлар ҳамма қўзиларни бирданига эмас, балки икки ёки уч группага бўлиб ажратадилар. Ҳаммадан аввал қўчкорчалар ажратилади, чунки яхши ривожланган 4 ойлик қўчкорчалар куюккан совлиқларни қочириб қўйишлари мумкин, бунга йўл қўйиш совлиқлар-

нинг плансиз қўзилашларига сабаб бўлади. Икки-уч ҳафта ўтгач бошқа қўзилар (урғочи ва бичилган қўзилар) ажратилади. Қўзиларни ажратишга бир ҳафта қолганида улар кундузи оналаридан бошқа ўтлатилади ва кечаси янгидан оналари ёнига қўйлади. Қўзилар шу йўл билан мустақил ўтлашга ўргатилади, натижада оналаридан ажратиш уларга зарар қилмайди. Оналаридан ажратилган қўзилар жинсларига қараб алоҳида ўторларга бўлинади, яъни урғочи қўзи, қўчкорча ва бичилган қўзиларнинг ҳар қайсиси учун алоҳида ўторлар ташкил қилинади. Одатда, 400—500 бош қўчкорча, ёки 600—800 бош дағал жунли урғочи қўзи ёки 800—900 бош бичилган қўзидан битта ўтор тузилади. Насличлик фермаларидағи қўзилардан, шунингдек майин ва ярим майин жунли зотларнинг қўзиларидан бир мунча кичикроқ ўторлар ташкил этилади. Оналаридан ажратилган қўзилар, оналарининг овозларини эшитмаслиги ва тинч ўтлашлари учун узоқроқдаги яйловга ҳайдалади.

Қўзиларни қишлоvgа яхшироқ тайёрлаш учун уларга чучук сувли энг яхши яйловлар ажратилади, етарли даражада ўсмаган қўзиларга эса ҳар суткада 200—300 грамм ҳисобидан қўшимча ем (дон ва кунжара) бериб турилади.

Оналаридан ажратилган қўзиларни бир ёшлигигача чала боқиш уларнинг ривожланишига, ҳаётчанлигига ва ўсиб етилганларидан кейинги маҳсулдорлигига қаттиқ таъсир этади. Қўзилари ажратилгацдан кейин совлиқлар синчиклаб кўздан кечирилиб, қариган, касал ва гасл олиш учун ярамайдиганлари брак қилинади.

Насл учун қолдирилған совлиқлардан яңғы үтөрлар тузилиб, улар бир йил муддат билан, яъни келгуси йилнинг кузигача боқиш шарти билан чўпонларга биритирилади. Бунда чўпонларга уларнинг ўз үтөрларидағи совлиқлар биритирилиши, брак қилинган совлиқлар ўрнига ёш ёки класслари бир хил бўлган совлиқлар биритиши керак.

Ўтөрлар тузишида совлиқларнинг насл сифатлари эътиборга олиниб, бонитировка класслари, ташқи кўриниш ва ёш жиҳатидан мумкин қадар бир хил бўлган совлиқлар танланади. Заифлашиб ва озиб қолган совлиқлар алоҳида ажратилиб, семиргуңча қўшимча ем-хашак билан боқиласди, сўнгра ўтөрларга тақсимланади.

Етук совлиқларнинг ўтөрлари ҳам ёш қўйларнинг ўтөрлари билан тахминан бир хил катталикда ташкил қилинади. Аммо насл қўчқорлари оз (50—100 бош) бўлганида ҳам, улардан алоҳида ўтор тузилади.

Ўтөрларни тузиб бўлгандан кейин, чўпонлар бригадаси ёзги ва кузги яйловлардан мумкин қадар яхшироқ фойдаланиб, қўйларни яхшилаб семиртиришга катта эътибор беришлари керак. Чунки, келгуси йилда совлиқларнинг серпуштлиги ва қўзиларнинг яхши ривожлашиши совлиқларни етарли даражада семиртиришга боғлиқдир.

Яхшилаб семиртирилган соғлом совлиқ ва қўзилар қиши фаслида қаттиқ совуқларда ҳам бемалол қищлаб чиқади ва кўп миқдорда юқори сифатли жун беради.

Совлиқларни қочириш

Совлиқларни құлда ва әркин ҳолда қочиришга қараганда, сунъий йўл билан қочириш мувофиқ күрилади. Бу усул құлланилганида қочириш мавсумида биттә қўчқорнинг уруғи билан 800—1000 бош, яъни құлда ва әркин ҳолда қочиришдагига қараганда 20 баравар кўпроқ совлиқни таъминлаш мумкин. Демак, бу усул насл учун энг яхши қўчқорларни танлашга ва улардан куп қўзи олишга имкон беради.

Совлиқлар ҳар 14—16 кундан кейин куюкиб туради. Совлиқларнинг бу хусусияти сунъий қочириш даврини 40—45 кунгача чўзиб, биринчи ва иккинчи марта қочиришда тутмай қолган совлиқларни учинчи марта қочиришга имкон беради.

Сунъий йўл билан қочириш вақти совлиқларни кўплаб қўзилатиш учун мулжалланган муддатларга қараб белгиланади. Масалан Ўзбекистоннинг қўпчилик районларида совлиқлар одатдагича кўкламда (15—20 мартдан бошлаб) қўзилатилганида сунъий қочиришни 1—15 октябрда бошлаш керак. Ўзбекистоннинг кўкламда ўтлар 15—20 кун кечроқ кўкағадиган шимолий районларида (Қорақалпоғистон АССРда ва Хоразм обlastида) совлиқларни бир мунча кечроқ, яъни 25 октябрь — 5 ноябрдан бошлаб қочириш зарур.

Совлиқларни эрта муддатларда, яъни август ва сентябрь ойларида қочириш яхши натижা беради. Бу вақтда қочирилганида совлиқлар январь ва февраль ойларида қўзи-

лай бошлайди. Эрта туғилган құзилар яхши-роқ ривожланади, анча йирик бўлиб ўсади ва кўпроқ жун беради.

Ниҳоят, совлиқларни сунъий йўл билан қочиришда ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинади ва совлиқлар деярли қисир қолмайди.

Совлиқларнинг ҳаммасини қочириб қўзи-латиш учун, чўпонлар бригадаси ўз ўторида қўйидаги тадбирларни ўтказиши керак.

Совлиқларни сунъий йўл билан қочиришга тайёрлаш

Қўзиларни ўз вақтида оналаридан ажратиб, қочириш даври бошланишига камида бир-бир ярим ой қолганида сорлиқларнинг ўторларини тузиш зарур.

Совлиқлар учун энг яхши яйловлар ажра-тилади, чунки совлиқлар яхшилаб семирти-рилганида тузукроқ куюкади, кўпроқ эгиз қўзи туғади ва қўзилари бақувват бўлади. Совлиқларни кўк ўтли яйловларда ўтлатиш ёки витаминлари, жумладан Е витамини бўлган қўшимча кўк ўтлар билан боқиш маъқул кўрилади. Сунъий қочириш пункти атрофидаги яйловларга совлиқлар қочириш пункти ишла-ётган даврдагина қўйилади.

Насл қўчқорларини танлаш

Совлиқлар соғлом, сермаҳсул ва наслдор қўчқорлардан қочирилганидагина улардан бақувват ва соғлом қўзи олиш мумкин.

Күчқорлар күкламда, бонитировка вақтида маҳсулдорлигига, жунининг миқдори ва сифатига, вазнига ва суюкларининг бақувватлигига қараб танланади. Ўша вақтнинг ўзида қўчқорлар билан совлиқлар ҳам жуфтланади. Жуфтлаш вақтида қўчқор элитага ёки биринчи классга қарашли ва маҳсулдорлик жиҳатидан совлиқлардан кўра юқорироқ бўлишига эътибор бериш зарур.

Насл қўчқорининг танаси яхши тузилган, жуни узун ва тифиз, қурсоғи сержун, жинсий безлари яхши ривожланган бўлиши шарт.

Элита ўторларида қўчқорлар совлиқларга якка-якка тартибда жуфтланади, классли ўторларда эса битта ўторга бир-иккита қўчқор биритириб қўйилади.

Асосий насл қўчқорларидан ташқари, ҳар 100 та совлиққа биттадан ёрдамчи ҳамда синоқчи — пробник қўчқорлар ажратилади. Совлиқлар сунъий йўл билан қочирилганидан кейин уларнинг тутмай қолганларини яна эркин ҳолда қочириш учун ҳам синоқчи қўчқорлар ишлатилганлиги сабабли, уларни биринчи классдан паст бўлмаган насл қўчқорлари орасидан танлаб олиш зарур.

Танлаб олинган насл қўчқорларини йил бўйи алоҳида группада асраш ва яхшилаб боқиш лозим.

Насл қўчқорларининг қочириш давридан бошқа вақтдаги озиқ рациони

Истаганича энг яхши сифатли пичан (яхвиси дуккакли ўт пичани) берилади ёки улар яйловда ўтлатилади.

0,5 килограмм сули, кепак, тариқ, кунжара аралашмаси ва 10 грамм ош тузи берилади.

Тайёрлик даврида, яъни қочириш пайти бошланишига бир ярим ой қолганида насл қўчқорларининг суткалик озиқ рационидаги емларнинг миқдорини аста-секин ошира бориш зарур.

Вазни 80—100 килограмм келадиган ва ҳар куни 4 гача совлиқни қочирадиган насл қўчқорларининг қочириш давридаги озиқ рациони:

Дуккакли ва галласимон ўтлар пичани	1—1,5	килограмм
Сули	0,8—1	:
Кунжара	0,2	:
Кепак	0,1—0,2	:
Қон, суяқ ёки балиқ уши	0,2	:
Қаймоқсиз сутдан тайёрланган сузма ёки қаймоги олинган сут	2—3	литр
Сабзи ёки силос	0,2—0,5	килограмм
Туз	10	грамм

Хашакни икки қисмга, ем ва сершира озиқларни уч қисмга бўлиб бериш зарур. Насл қўчқорларини ҳар куни камида икки маҳал суғориб туриш лозим. Насл қўчқорларининг ҳаддан ташқари семириб кетишлирага йўл қўймаслик ва жинсий активлигини ошириш учун, уларни хусусан совлиқларни қочириш даврида ҳар куни яйратиб туриш лозим.

Қочириш даврига тайёрланадиган насл қўчқорлари сунъий вагинага иргишига ўргатилади ҳамда уларнинг уруг сифати ва миқдори текшириб кўрилади.

Қочириш пункті ишлаётган вақтда насл құчқорларини ҳар куни 3—4 марта ирғитиш мүмкін. Одатда құчқор әрталаб озиқлантирилганидан ва яйратилганидан кейин 5—10 минут үтказиб 2 марта, яна 2 соат үтгач учинчи ва түргинчи мірта ирғитилади. Нормал ривожланган етуқ құчқор ҳар сафарги ирғиганида камида бир кубик сантиметр қуюқ уруғ беради.

Куюккан совлиқтарни танлаб олиш

Үтөрдаги куюккан совлиқтарни ўз вақтида танлаб олиш ва қочириш жуда мұхимдір.

Куюккан совлиқтар қуийдаги аниқлана-ди: үтөрдаги совлиқтар икки-уч группага бүлиниб, құтонларга қамалади ва ҳар құтонга 2—3 та синоқчи құчқор қўйиб юборилади. Бу құчқорларнинг қорнига куяқ боғланади. Құтон бүттагина бұлганида куюккан совлиқтарни аниқлаш учун құтонга навбат билан ҳар гал 150—200 совлиқ қўйилади.

Совлиқтарнинг куюккан-куюкмаганлигін аниқлашда улар құтоннинг бурчакларига сиқилиб қолмасликларини кузатиб туриш зарур.

Куюккан совлиқтар сунъий қочириш пунктіга чиқарилиб, унда уларнинг куюкканлығы қын ойнаси билан текшириб кўрилади.

Қочирилган совлиқтарнинг еткасига керосин аралаштириб сую ғырылған қизил бүёқ билан белги қўйилади, сўнгра улар қочирилган совлиқтар ўторига жўнатилади.

Куюкиш бир суткадан күпроқ давом қилған совлиқлар иккى марта қочирилади. Биринчи қочириш бундай совлиқлар танлаб олиниши биланоқ, иккинчиси эса келгуси кун әрталаб, уларнинг куюкканлиги текширилганидан сўнг ўтказилади. Сунъий қочириш даври бошланганидан кейин 12 кун ўтгач ўтордаги совлиқлар орасида қайта куюккан совлиқлар танлаб олинади.

Сунъий йўл билан қочириш техникаси

Сунъий қочириш пунктлари маҳсус қурилган ёки мосланган биноларга жойланади. Пунктда камида тўрт хона: лаборатория, манеж (совлиқларни қочириш майдони), қочирилган совлиқлар хонаси ҳамда қўчқорхона бўлиши керак. Пунктда ҳар бирига 80 бош қўй сифадиган 2—3 та қўтон ҳам қурилиши зарур.

Ниҳоят, пунктда совлиқларни сунъий йўл билан қочириш учун керакли асбоблар ва хўжалик ускуналари бўлиши лозим.

Пунктда совлиқларни сунъий йўл билан қочириш ишларининг техники, (пункт мудирининг вазифасини ҳам у бажаради), насл қўчқорларини парвариш қилувчи ходим ҳамда уборшчица (йигиштирувчи аёл) ишлайди. Совлиқларни сунъий йўл билан қочириш вазифаси чўпонга юкланганида у маҳсус тайёргарлиқдан ўтиши керак.

Сунъий қочириш пункти доим озода бўлиши зарур. Совлиқларни қочириш вақтида лаборатория ва манеждаги ҳавонинг иссиқлик даражаси 18 дан 25 градусгacha бўлиши керак. Ҳаво

температураси кескин даражада пасайиб қолишига йўл қўйиш ярмайди.


Қўчқорлардан уруғ олиш, олинган уруғни сақлаш ва совлиқларнинг жинсий аъзоларига юбориш учун ишлатиладиган ҳамма асобоб ҳамда приборлар озода, қуруқ ва юқумсизлантирилган бўлишлари керак. Бу асобоб ва приборлар алоҳида шкафда сақланиши зарур. Асобоб ва идишлар углекислий соданинг 2—3 процентли эритмаси ёки кальцинация қилинган соданинг 1 процентли эритмаси билан ювилади. Бундан кейин асобоб ва идишлар тоза сув билан чайилиб, тоза чочиқ билан артилади ёки қуритилади.

Тозалаб қуритилган асобоб ва идишлар ишлатиш олдидан қайнатиш, спирт суркаш ёки тутамайдиган лампада қиздириш йўли билан юқумсизлантирилади.

Қўчқорнинг уруғи сунъий вагина воситаси билан олинади (3-расм). Сунъий вагинани ишлатишидан олдин унинг айрим қисмлари тўғри жойланганлигини ҳамда тузук ишлашини текшириб кўриш керак. Вагинадан сув ва ҳаво чиқмайдиган бўлиши шарт. Қўчқорни сунъий вагинага иргитиш олдидан ундаги сувнинг иссиқлик даражаси 40—42 градус бўлиши лозим.

Совлиқлар қисир қолмаслиги учун уларни соғлом қўчқорлардан олинган, ташқи куриниши нормал ва сперматозоид (Эркаклик жинсий хужайра) лари кўп бўлган уруғлар билан гина қочириш зарур. Совлиқларни қўланса ҳид келиб турган қизғиши, қўнғир, кўкиш рангли (йирин ва қон аралаш) уруғ билан уруғлантириш ярамайди.

Уруғнинг сифати микроскоп билан текширилади ва ундаги сперматозоидлар сонига, уларнинг ҳаракатчанлигига қараб баҳоланади. Ҳар совлиқни қочириш учун суюлтирилмаган уруғ сарфланади. Бу уруғ 0,05 дан 1 кубик



3 - расм. Сунъий вагинанинг тузилиш схемаси.

сантиметргача миқдорда маҳсус шприц ва қин ойнаси билан совлиқнинг бачадон бўйинчасига юборилади.

Сунъий қочириш пунктида совлиқларнинг қайси қўчқорларга бириктириб қўйилганлиги ёзилган ведомость бўлиши ва қочириш вақтида бу ведомостга аниқ амал қилиниши лозим. Қочириш мавсуми тугагандан кейин ҳар бир қўчқордан олинган уруғ билан қочирилган совлиқларнинг сонини кўрсатиб ҳисобот топширилиши керак.

Қўйларни қишда асраш

Қўйлар бошқа молларга қараганда, яйловда ўтлашга энг қобилиятли бўлади ва ёппасига қалин қор босиб кетмаган яйловларда қишда ҳам bemalol ўтлай олади.

Баъзи колхозларда қўйларнинг бу биологик хусусиятлари билан суистеъмол қилиб, уларни қўшимча ем-хащак бермасдан қишки яйловларда асрайдилар. Қишки яйловларда шу тартибда асралган қўйлар кўкламга бориб озиб қолади, жунларининг ўсиши секинлашади, япоги жунларида «пуч» толалар пайдо бўлади, жунлари қуриди, жуннинг технологик хоссалари ёмонлашади ва миқдори жуда камаяди.

Совлиқлар чала боқилиши натижасида озиб кетади, қорнидаги боласини қийналиб кўтаради ва туққанидан кейин сутсиз қолади. Бундай шароитда туғилган қўзилар майдада бўлади, ҳар хил касалликларга учрайди ва яхши ўスマйди.

Бунга қишки яйловлардаги озиқда оғир ҳазмланадиган клетчатка (қуриб қолган поя) лар жуда кўплиги ва ҳазмланадиган оқсил модда (протейин) озлиги сабаб бўлади. Қўй организмида моддаларнинг нормал алмашинувигина эмас, балки жуннинг яхши ўсиши ҳам ем-хащаклардаги оқсил модда миқдорига боғлиқдир, чунки жун толалари каротин — оқсилли маҳсулотдан тузилади.

Ем-хащакнинг тўйимлик даражаси озиқ бирлиги билан ўлчанади. СССРда озиқ бирлиги қилиб 1 килограмм сулининг тўйимлик даражаси қабул этилган. 1 килограмм қишки қуруқ ўтнинг тўйимлик даражаси озиқ бирлигининг учдан бир қисмидан ошмайди, унда ҳазмланадиган оқсил атиги 13—15 грамм бўлади. Бир қўйга қишки кунда ўрта ҳисоб билан 1,2 озиқ бирлиги ва 100—110 грамм ҳазмланадиган оқсил керак.

Ўз организмини зарур миқдор оқсил билан таъминлаши учун, қўй қишки яйловдан камида 8 килограмм хашак олиши лозим Бунча хашакни қўй бир кунда ҳазм қила олмайди. Амалий тажрибаларга кўра, қўй бир кунда энг кўпи 3 килограмм хашак ейди.

Шундай қилиб, қўй қишки яйловдан умумий тўйимлиги 1 озиқ бирлигига teng келадиган хашакни ея олганида ҳам, атиги 40—45 грамм, яъни нормага нисбатан икки ярим баравар камроқ миқдор оқсилдан фойдаланган бўлади. Шу сабабли, қўйлар қиш фаслида қор тушмаган яхши яйловларда боқилганида ҳам, уларга қўшимча хашак, хусусан сероқсил озиқлар бериб туриш зарур.

Қўйларни нобуд қилмай ва уларнинг озиб қолишига йўл қўймай қишлиатиб чиқариш учун бир қанча асосий қоидаларга амал қилиш керак.

Ўзбекистоннинг қўпчилик колхозларида қўйлар қишда ҳам яйловда асралади. Қаттиқ бўрон, қаттиқ совуқ, яхмалак бўлган кунлардагина қўйлар қўйхонада ёки қисман қўйхонада ва қисман яйловда тутилади.

Қўйлар қишда яйловда асралганида яйлов участкаларини тўғри танлаш жуда катта роль ўйнайди. Қиш фаслида совуқ шамоллардан ҳимояланган, баланд пояли ўтлар ва буталар ўсган, қор босиб кетмайдиган, шўрак каби тўйимли ўтлар етарли даражада бўлган адирлар энг яхши ҳисобланади.

Қиши бошида, қор ҳали ёғмаган даврда, шунингдек қиш ўртасида ҳам ҳаво яхши кунларда қўйларни қўтонга яқин участкаларда ўтлатмай, қишки яйловларнинг энг узоқ участка-

ларида ўтлатиш керак; бундай қилинганида ёғинчочинли кунларда қўтон ёнидаги участкалардан фойдаланилади ва зарур бўлганида қўйлар тезда қўтонга қамалади.

Қишки кунлар жуда қисқа бўлганидан, қўйлар кундузларигина ўтлаб тўя олмайди. Шу сабабли ҳаво яхши кунларда қўйларни кечалари ҳам ўтлатиш керак. Қўйларни кўпроқ ўтлатиш мумкин бўлмаган вақтларда уларга эрталаб ва кечалари қўшимча ем-хашак бериб туриш зарур. Қиши охирида, яъни совлиқлар бўғозлик даврининг иккинчи яримига кирганида уларни озиқлантириш ва асраш қоидаларига амал қилиш айниқса муҳимdir, чунки бу даврда озиқ моддалар етишмаслиги ва ўтлатиш қоидаларининг бузилиши натижасида совлиқлар бола ташлаши ва касалланиши мумкин. Бу даврда бўғоз совлиқларни хусусан авайлаб ўтлатиш, тез ҳайдаб чарчатмаслик, музлаган ва қиров тушган яйловларда ўтлатмаслик, шунингдек суғорган ёки қўтонга киргизган вақтларда тиқилиб қолишларига йўл қўймаслик лозим.

Баъзи чўпонлар қўйларни яйлов ўти билангина боқиб семиз ҳолда сақлашга уринадилар. Бу катта хатодир. Бундай чўпонларнинг қўйлари одатда, қиши охирига келганда озиб қолади ва кейин қўшимча ем билан боқилганида ҳам уларнинг семизлигини қайтариш қийин бўлади.

Қўйларни қиши вақтида мунтазам суғориб туриш ҳам катта роль ўйнайди. Баъзи чўпонлар қўйларни қишида 10—15 кун ва узоқроқ вақт суғормаса ҳам бўла беради дейдилар. Бу мутлақо тўғри эмас. Сув манбай ёки қудуқ қишки қўтонга яқин бўлганида қўйларни ҳар куни,

узоқ бўлганида икки кунда бир марта суфориб туриш зарур. Қўйлар узоқ вақт суфорилмаганида тез озиб қолади.

Қўйларни қишида суфориш учун қудуқ ёнидаги ҳовузларга сувни қўйлар келишидан анча олдин тўлдириб қўйиш ярамайди, чунки олдин тўлдирилган сув жуда совиб қолади ва бундай сувни ичган қўйлар шамоллаб касалланишлари мумкин. Бўғоз совлиқларни яхлаган сув билан суфориш айниқса хавфлидир. Шу сабабли, қудуқдан сувни қўйлар келиши олдидангина чиқариш керак.

Қишида қўйларни совуқдан ва шамолдан сақлаш зарур. Қаттиқ совуши натижасида қўйлар касалланмаса ҳам, ўз танасидаги иссиқликни ортиқча сарфлашга мажбур бўлади. Кейин чалик бу иссиқликни тиклаш учун улар ўз организмидағи кўпгина озиқ моддаларни сарфлайди. Қўйлар, хусусан кечалари қаттиқ совуқда қолиши натижасида уларнинг организмидағи озиқ моддалар парчалана бошлайди. Бундай ҳолда зарур иссиқлик, асосан танадаги ёғ ҳисобига ҳосил бўлади. Шу сабабли, совуқ кунларда қўйларни узоқ вақт очиқ ҳавода тутиш ҳам уларнинг озиб қолишига сабаб бўлади.

Қўйларни совуқдан ва ёғинлардан сақлаш учун, қишки яйловларда пана жойлар ва бинолар қуриш лозим.

Ўзбекистонда бунинг учун атрофини девор билан ўраб тўғарак қўтонлар қурилади. Бундай қўтоннинг ўрта қисми очиқ қолдирилади, чунки Ўзбекистон шароитида қўйхонағнинг ҳаддан ташқари илиқ бўлиши маъқул кўрилмайди. Бундай бинода асралган қўйларнинг та-

наси исиб кетади ва бинодан ташқарига чиқарилғанида улар шамоллайды. Илиқ даврларда қўйларни умуман ёпиқ қўтонларда, эмас балки пана жойда асраш керак, чунки нормал семизликдаги қўйлар шамол ва заҳликтан қўриқланганида, анчагина қаттиқ совуқларга ҳам bemalol бардош бера олади. Қўйлар учун пана жойларни чўпонлар бригадасининг ўз кучлари билан бута, чим ва ҳоказолардан қуриб олиш мумкин. Пана жойларни қишки яйловларнинг асосий қўтондан узоқдаги, яъни қўйлар қиши бошида ва илиқ даврларда ўтлатилидиган участкаларга қуриш керак. Ҳаво бузилиб қолганида қўйлар ёпиқ қўтонга келтирилади. Бу қўтон ёнида ем-хашак тайёрлаб қўйилган бўлиши лозим. Совлиқ ёки урғочи қўзилар ўторини қишида боқиш учун 600 қўйдан иборат ўторга 360 центнер ёки ҳар қўйга камида 60 килограмм пичан, камида 12—15 центнер ем ва 3—4 центнер туз ғамлаб қўйиш керак.

Қўйларга қишида егизиш учун ҳаммадан кўра қуруқ беда яхши бўлади. Қўйга ҳар куни ярим килограммдан қуруқ беда бериб туриш зарур. Бу беда чорак озиқ бирлиги ва 45 грамм оқсилга teng келади. Емдан ҳар қўйга бир кунда 300—400 грамм майдалангандарпа, кепак ёки кунжара берилса яхши бўлади. Ем-хашак тўкилиб нобуд бўлмаслиги учун, уни охурларга солиб егизиш керак.

Қўйлар қўтириб касаллигига учраган бўлса, бу касалликни қиши кириши олдидан албатта тугатиш зарур, чунки қишида қўтирга қарши курашиш анча қийин бўлади

Қўйларни муваффақиятли равишда қишилашиб учун чўпонларнинг турмушларини яхшилаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш лозим. Қишки қўтон ёнига маҳаллий бинокорлик материалларидан чўпонлар учун уйчалар қуриш ёки ёғочсозлик саноатида ясалган тайёр үйларни сотиб олиб ўрнатиш зарур. Бу уйда ўчоқ қурилади ёки печка ўрнатилади ва уй зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Илиқ даврда қўйлар қишки қўтондан узоқдаги участкаларга ҳайдалганида чўпонларнинг туриши учун бригадада битта ўтов ҳам бўлиши керак. Ем, туз, майда асбоб-ускуна ва зарур дориларни сақлаш учун чўпонлар турадиган уй ёнига кичкина омбор қуриш лозим.

ҚЎЙЛАРНИ ҚЎЗИЛАТИШ ВА ҚЎЗИЛАРНИ ЎСТИРИШ

Қўйларни қўзилатиш қўйчиликда энг масъулиятли ишлардан биридир. Қўйларни қисқа давр ичida қўзилатиб бўлиш ва ҳамма қўзиларни нобуд қилмай ўстириш лозим. Бу ишларнинг муваффақиятли чиқиши чўпонларнинг эпчиллигига ва тиришқоқлигига боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларида қўйларни урчиши техникасини яхши эгаллаб олган илғор чўпонлар, совлиқларнинг серпуштигини тобора ошириш билан бирга, қўзиларни нобуд қилмай ҳаммасини боқиб ўстиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Ўтордаги қўйларни муваффақиятли равишда қўзилатиш учун бу ишга барваҳт тайёрланиш, жумладан совлиқларни яхшилаб боқиш, бино,

асбоб-ускуна ва бошқа материалларни таппа-тахт қилиб, зарур миқдорда ем-хашак ғамлаб ҳамда соқмончиларни тайёрлаб қўйиш керак.

Яхши семиртирилган совлиқлар бақувват ва ҳаётchan қўзи, озғин ва касал совлиқлар эса майда ва тез-тез касалланиб турадиган нимжон қўзи туғади.

Бўғоз қоракўл совлиқларнинг озғинланиши қўзиларининг тери сифати пасайишига сабаб бўлади, бундай совлиқлар туққан қўзиларнинг териси бўшанг жингалакли ва майда бўлади.

Бўғоз совлиқларни чала боқиши уларнинг «босқоқ» касаллигига учрашига сабаб бўлади. Бу оғир касаллик туғишига яқинлашиб қолган совлиқларнинг организмида витаминалар етишмаслиги ва организмнинг зарур озиқларни ололмай қолиши натижасида бошланади. Бу касалликнинг олдини олиш учун совиқларни, айниқса бўғозликнинг охирги даврида чала озиқлантиришга йўл қўймаслик керак. Ҳар қандай шароитда, ҳаттоқи вақтинча бўлса ҳам, бўғоз совлиқларнинг оч қолишига йўл қўймаслик учун, қишлоғ жойларида ва совлиқларни қўзилишиш далаларида зарур миқдор ем-хашак запаси бўлиши керак.

Бўғоз совлиқларга ҳар хил нобоп шароитлар жуда тез таъсир этади, шу сабабли уларни асраш ва ўтлатиш қоидаларига айниқса катта эътибор бериш лозим. Улар ўтлатиш вақтида аста-секин ва безовталанмасдан юришлари керак. Бу даврда уларни тикка жойларда ўтлатишга, қзоқ жойларга ҳайдаб чарчатишга йўл қўйуаслик керак, чунки ортиқча зўр бериб, чарчаб молган совлиқлар бола ташлашлари мумкин.

Бўғозлиқ даврининг охриғи бир ярим ойида бўғоз совлиқларни безовталаш мутлақо ярамайди. Ўтларга қиров тушган ёки совуқ ёмғир сувлари билан намиқиб қолган пайтларда бўғоз совлиқларни ўтлатиш асло ярамайди. Бундай қолларда ўтлардаги намнинг кетишини кутиб туриш керак; совлиқлар яйлов ўтига ёпирилмаслиги учун, уларга эрталаб озроқ пичан бериш зарур.

Совлиқлар кўкламғи қуёш нурларидан кўпроқ баҳра олишлари учун, уларни бўғозликнинг иккинчи яримида эрталаб тогларнинг шарқий ёнбағирларида, кечқурунлари эса жанубий ёнбағирларида ўтлатиш маъқул кўрилади. Бўғоз совлиқларни чириган, қўланса ҳид келиб турадиган, замбуруғ тушган пичан билан озиқлантириш мутлақо ярамайди, чунки бундай пичан уларнинг бола ташлашига сабаб бўлиши мумкин.

Совлиқ туғишига икки ой қолганида қорнидаги қўзининг суяклари ўсадиган бўлади, шунинг учун бу даврда бўғоз совлиқларга майдаланган бўр ёки суяк уни бериш зарур. Булар одатда емга аралаштириб берилади. Бўғоз совлиқларга қизил туз ҳам бериб туриш керак.

Совлиқларни мунтазам равища суғориб туриш керак, уларни қудукқа аста-секин ҳайдаб келтириш ва суғориш олдидан салгина дам олдириш зарур. Суғориб бўлгандан кейин совлиқларнинг танасини иситиш учун уларни тўхтатмасдан яйловга ҳайдаш лозим.

Совлиқларни оч вақтида суғориш ярамайди. Сув манбай кичкина бўлганида, совлиқлар тиқилишиб қолиб бир-бирини шикастламаслик-

лари учун уларни бир неча түдага бўлиб сувориш керак.

Қўтондан чиқариш ёки қўтонга киргизиш вақтида ҳам совлиқларнинг тиқилиб қолишларига йўл қўйиш ярамайди, бунинг учун уларни қўтон дарвозасига аста-секин келтириш зарур. Бу ҳолда чўпонлардан бири дарвоза ёнида туриб, совлиқларнинг ўтишини тартибга солиши лозим. Бу вақтда шовқин-сурон кўтариш ва совлиқларни чўчитиш ҳам ярамайди. Шунингдек совлиқлар ўторига тош отиш ёки кучукларни олкишлаш, совлиқларнинг қўтонда узоқ вақтётиб қолишлари ёки босиб туришларига йўл қўймаслик керак. Совлиқлар қўйхонада асралганида уларни ҳар куни ташқарига чиқариб, яйратиб туриш зарур. Совлиқлар етарли даражада яйратиб турилганида осонроқ туғади, қўзилар бақувват бўлиб туғилади, қорақўл қўзиларнинг тери сифати яхшиланади. Бесўнақай конституцияли¹ қорақўл совлиқларни айниқса тез-тез яйратиб туриш керак, чунки улар етарли даражада яйратилмаганида жунлари ортиқча ўсиб кетган бўшанг жингалакли қўзи туғади.

Совлиқнийг туғишига тахминан бир ярим ой қолганида елин ёnidаги ифлос жунларни қирқиб олиш керак. Бироқ, совлиқ туғишига яқинлашган пайтда қирқишиш ярамайди, бундай ҳолда елин атрофидаги жунни совлиқ туғиши биланоқ қирқиб олиш маъқул кўрилади.

Яйловда асралётган совлиқлар баъзан туғишидан анча илгари боласини ташлаб қўяди.

¹ Фан тилида ҳайвонларнинг тана—гавда тузилишини конституция дейилади.

Бола ташлаған совлиқни дарҳол ўтордан ажратиши ва бу ҳақда ветеринар ходимга билдириш лозим. Совлиқ бола ташлаган жойни дезинфекция қилиш (юқумсизлантириш) керак.

Совлиқларни қўзилата бошлаш вақти одатда илиқ кунлар бошланган даврга тўғриланади. Шу сабабли Ўзбекистонда совлиқлар яйловларда ёки очиқ қўтонларда қўзилатилади. Бироқ совлиқлар қўзилаган даврда кўпинча ҳаво бирданига совуб, ёмғир ва қор ёғиб қолади. Шу сабабли, янги туғилган қўзичоқларни совуқдан ва ёғин-чочиндан паналаш учун, совлиқлар қўзилатиладиган жойда битта ёки бир неча тепляк (иссиқхона) бўлиши зарур. Бундай тепляклар ер бетига ёки ертўла қилиб қурилади. Теплякларнинг умумий майдони қўзичоқлари билан бирга 100 бош совлиқ сиғадиган (100—120 квадрат метр) бўлиши лозим. Тепляклар совлиқ ва қўзичоқларни шамолдан ҳамда захлиқдан сақлашга имкон берадиган бўлиши керак.

Совлиқлар қишида қўзилатилганида ўтордаги ҳамма совлиқлар учун яхши иситилған бино бўлиши ҳамда яйловда ўтлар кўкарғунча етарли миқдорда ем-хашак ғамлаб қўйилиши керак.

СОҚМОНЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Соқмончилар мавсумий ишчилар бўлиб, уларга қўзили совлиқлар ўторини парвариш қилиш вазифаси юкланади. Чўпон, колхоз правлениесининг ёки совхоз дирекциясининг ёрдами билан, соқмончиларни барвақт танлаб қўйиш керак. Одатда чўпоннинг оила аъзолари ҳам соқмончилик қиласиди.

Ҳар ўтор учун камида 4—5 та соқмөнчи тайёрлаш керак. Ҳаммадан аввал чўпон қўзили совлиқларни қандай парвариш қилиш тўғрисида соқмончилар билан сұҳбат ўтказади. Сўнгра бригададаги кун тартибини ҳамда ўторда қўзилатиши даврини ўтказиш планини соқмончиларга тушунтириб беради.

Бош чўпон соқмончиларнинг ишларини ўзи текширади ва уларга раҳбарлик қилиб туради. Қўйлар қўзилай бошлагандан кейинги биринчи кунларда ёш ва баъзан илгарилари қўзили совлиқлар ўторида ишламаган соқмончилар ёрдамга айниқса муҳтож бўлади.


ҚЎЗИЛАШ ВАҚТИДА СОВЛИҚЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ

Қўзилаш муддати бошланиши билан шу куни туғишли мўлжалланган ҳамма қўй-совлиқларни синчиклаб кўздан кечириш ва Эрта тонгда ўтордан ажратиб олиш, сўнгра туғиши вақтида зарур бўлиб қолганида ёки яйловнинг яқинидаги участкасида қолдириш керак. Бироқ, совлиқларнинг туғишига яқинлашганилиги баъзан сезилмай қолади ва совлиқлардан бир қисми кундуз яйловда, кечаси қўтонда туғиб қўяди.

Туғиши пайти яқинлашиб қолган совлиқ ётади, тез-тез инграйди, орқа томонга қарайди ва чиранади. Бундай совлиқни безовталамаслик керак. Ҳамма чўпонлар ана шуларни эсларида тутишлари лозим.

Туғаётган совлиқда дастлаб бола пардаси пайдо бўлади, бу пардан ёриб юбориш мутлақо ярамайди, чунки у қўзичоқнинг чиқиш йўлини кенгайтиради.

Нормал равишда туғаётган совлиққа ёрдам керак бўлмайди. Биринчи қўзи туғилганидан кейин совлиқ янгидан ётса, уни безовтала-масдан, иккинчи қўзининг туғилишини кутиш керак. Туғиш нормал кечганида дастлаб қўзининг олдинги оёқлари, сўнгра шу оёқлар устига жойланган калласи пайдо бўлади (4-расм).




4 - расм. Тўғри вазиятда жойланган қўзи.

Совлиқ туғиб бўлганидан кейин ўрнидан туради, уни қўзиси билан туташтириб турган киндик ўз-ўзидан узилади. Киндик узилмаса, у ҳолда киндикни икки бармоқ билан қисиб салгина тортиш ва 8—10 сантиметр узунликдаги жойидан узиш керак. Киндик орқали касаллик юқуми ўтмаслиги учун, унинг учига 2 процентли креолин эритмаси ёки иод суркалди.

Баъзан қўзичноқ бола пардаси билан ўралган ҳолда туғилади. Бундай ҳолда пардани дарҳол ёриб юбориш зарур. Акс ҳолда қўзи димиқиб ўлади (5-расм).

Ҷанги туғилған құзичоқни онаси ялғандан кейин танасини бир тутам қуруқ ва майин похол ёки ўт билан артиш, қалласи ва оғзини шилимшиқдан тозалаш ҳамда унга онасининг сутини эмизиш керак. Совлиқнинг елин ва



5 - расм. Нотүғри вазиятта жойланған құзи.

әмчаклари ифлос бўлганида, уларни дастлаб то^залаш ва 1 процентли сода эритмаси билан ювиш, сўнгра әмчакларидағи сутнинг биринчи оқимларини соғиб ташлаб, онасини эмизиш учун құзичоққа ёрдам бериш зарур. Совлиқ туғишига олдин тайёрланмаган бўлса, унинг қини атрофидаги ва сонларининг икки томонларидаги ҳамда чотидаги ифлосланган жун парчаларини дарҳол қирқиб олиш лозим.

Совлиқнинг оғиз сути қўзичноқ учун энг зарур ва фойдали озиқдир. Оғиз сутида оқсил ҳамда қўзи организмида тез ҳазмланадиган бошқа моддалар бор. Бундан ташқари, оғиз сутида қўзини дастлабки даврда касалликлардан сақлайдиган моддалар ҳам бўлади. Ниҳоят, бу сут қўзининг ичини суриб, ичакларини дастлабки тезакдан тозалайди. Шунинг учун ҳар бир қўзининг оғиз сути эмишини қаттиқ пайқаб туриш зарур. Совлиқнинг сути бўлмаса ёки у камсуг бўлса (бундай ҳодиса кўпинча биринчи марта туққан ёш совлиқларда бўлади), унинг қўзисига бошқа совлиқнинг сутини эмизиш лозим.

Кўп ҳолларда, хусусан совлиқ узоқ вақт ва қийналиб туққанида қўзичноқ деярли ўлик ҳолда туғилади, нафас олганлиги сезилмайди. Бундай қўзининг оғзини дарҳол шилимшиқдан тозалаш, бурун катакларидаги шилимшиқни қўл билан босиб чиқариш, оғзини очиш ва оғзиға ҳаво пуфлаш зарур. Сўнгра қўзичноқни орқаси билан похол устига ётқазиш ва олдинги оёқларини кўкрагига қаратиб тез-тез қайириш ҳамда биқинларига сал-пал туртиш керак. Бундай қилинганида қўзичноқ нафас ола бошлайди ва тирилиб кетади.

Нотўғри жойлашган қўзичноқни қийналиб туғаётган совлиққа тажрибали чўпон ёрдам бериши мумкин. Ёрдам беришдан олдин чўпон қўлларини совунлаб ювиши ва иод Эритмаси ёки ярим литр сувга 1 грамм қарбол кислота қўшилган эритма ёхуд ярим процентли нашатир спирт Эритмаси билан юқумсизлантириши лозим; совлиқни гавдасининг орқа қисми кал-

ласига нисбатан бир мунча баландроқ туради ган қилиб ётқизиш керак; тұлғоқ тутаётган пайтлар ўртасида құлини жинсий аъзо қинига солиб, құзичоқни бачадоннинг ичкарисига итариш йўли билан унинг чиқиш ҳолатини тўғрилаш зарур. Бундай ҳолда совлиққа ветеринар ходим ёрдам бериши маъқул кўрилади.

СОВЛИҚЛАРНИ ТҮҚҚАНЛАРИДАН ҚЕЙИН СУГОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ

Совлиқлар туғаётганида қаттиқ чираниши ва уларнинг организмидаги суюқлик камайиши сабабли, түққанларидан кейин жуда чанқаб қолади, шунинг учун уларга бир неча қултум сув ичириш керак.

Дармонсизланиб қолган совлиқларга түққанларидан кейин 2—3 соат ўтгач илиқ сув билан сули унидан тайёрлаб атала бериш зарур. Совлиқни түққанидан кейинги иккинчи ва учинчи кунларда жуда эҳтиётлик билан ва оз-озлаб озиқлантириш лозим, акс ҳолда унинг елининг керагидан ортиқча миқдорда сут тўпланиб қолади.

Совлиқ түққанидан кейин 3—4 кун ўтгач уни нормал озиқлантира бошлаш мумкин.

ЙЎЛДОШНИНГ АЖРАЛИШИ

Совлиқ түққанидан кейин бир ярим-икки соат ўтгач унинг йўлдоши тушади. Йўлдош ўз-ўзидан тушмаганида, уни тортиб чиқариш ярамайди.

Йўлдош чиқмай узоқ (6 соатдан ортиқ) вақт ушланиб қолса, ветеринар ходимга муро-

жаат қилиш керак, чунки совлиқнинг қони за-
ҳарланиши мумкин.

Тушган йўлдошни маҳсус яшикка солиш ва
чуқур қилиб ерга кўмиш керак.

ЯНГИ ТУФИЛГАН ҚЎЗИЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Чўпон ҳаммадан олдин қўзиларни шамол-
лаб касалланишдан сақлаш тўғрисида ғамхўр-
лик қилиши зарур. Кўкламги совуқ шамоллар
вақтида туфилган қўзи дарҳол совуб қолиши
мумкин. Совлиқ ҳаво совуқ вақтда кундузи
яйловда қўзиласа, қўзи онасини Әмганидан ке-
йин уни дарҳол маҳсус хуржинга солиб қўзи-
латиш пунктига олиб бориш лозим. Бу ҳолда
совлиқ ўзи чўпонга эргашиб бора беради, эр-
гашмаса етаклаб олиб борилади.

Туфишга яқинлашган совлиқларни туққан-
ларигача, туға бошлаган совлиқларни эса туқ-
қанларидан кейин дарҳол теплякка кўчириш
учун кечалари навбатчилик қилиб туриш зарур.
Акс ҳолда янги туфилган қўзи совуб қолиши
мумкин.

Соғлом совлиқ иккита қўзини бемалол тўй-
дира олади. Бироқ, әгиз қўзи туққан совлиқ
баъзан камсут бўлади. Бу ҳолда әгиз қўзилар-
нинг бақувватроғини бошқа серсугт совлиқдан
эмизишга тўғри келади.

Бегона қўзиларни бошқа совлиқлардан әми-
зиш учун чўпонлар маълум тажрибага эга бў-
лишлари ва бу ишга катта сътибор беришлари
талаб этилади. Бу иш совлиқ туққан пайтда
қилинади. Бошқа совлиқдан әмизиладиган қў-
зига шу совлиқнинг сути салгина пуркалиб,

сүнгра қўзи совлиқ ёнига қўйилади. Бу совлиқ билан қўзи бир-бираига яхшироқ ўрганиб олишлари учун алоҳида катакка жойланиб 1—2 кун тутилади.

Ўз қўзиларини ёндоштирмайдиган ва ҳатто тепадиган совлиқлар ҳам бўлади. Бундай совлиқ қўзиси билан бирга катакка қамалади ва қўзисига яхши ўрганиб олгунча шу катакда тутилади. Совлиқ катак ичида айланиб юрмаслиги ва қўзиси бемалол эмиши учун 2—3 соатгача катак деворига боғлаб қўйилади.

Ўторларда баъзан анчагина ўсиб катталашган қўзилар ҳар хил сабаблар билан етим қолади ва уларни бошқа совлиққа ўргатиб бўлмайди. Бундай қўзилар серсут совлиқларнинг сути билан боқилади. Бунинг учун совлиқни ушлаб туриб етим қўзи эмизилади.

Қўзочоққа, айниқса кичкина вақтида сигир сути ичириш маслаҳат кўрилмайди.

Ўторларда қўзилар етим қолишига кўпинча совлиқларнинг ўлиши, елини яллуғланиши, сути битиб қолиши ва бошқа сабаблар бўлади. Бироқ чўпон ва соқмончиларнинг ўз вазифаларига парвосизлик билан қарашлари (соқмонлар аралашиб кетиши, қўзилар бир соқмондан иккинчисига ўтиши, аралашиб кетган соқмонлар нотўғри ажратилиши, совлиқлар ўз қўзиларини ёндоштирмаслиги) ҳам қўзиларнинг етим қолишига сабаб бўлиши мумкин. Кўзиларнинг етим қолиши кўпинча уларнинг ўлишига, тирик қолганларининг чала ўсишига сабаб бўлади.

Чўпонлар совлиқни қўзилатиш ва қўзиларни ўстириш усулларини яхши ўрганиб олган ўторларда етим қолган қўзилар камдан-кам учрайди.

СОҚМОНЛАР ТУЗИШ ВА ҚҰЗИЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Соқмонларни (құзилари ұар хил ёшдаги совлиқлар группасини) тузиш ишига совлиқлар құзилай бошлаганидан кейинги биринчи кунларда киришилади. Құзилар қанча ёш бўлса, уларни парвариш қилиш масаласига шунча қўпроқ эътибор бериш керак. Шу сабабли биринчи соқмон құзилари 1—2 кунлик бўлган 15—20 бош совлиқдан тузилади. Бундай құзилар анча кўп бўлганида (совлиқлар кўплаб құзилағанида) икки ёки уч группага ажратилади. Эгизак құзиларни махсус парвариш қилиш зарур бўлгани сабабли, улардан алоҳида соқмон тузиш тавсия этилади. Құзилари ўсиб 3—4 кунлик бўлган 50—60 бош совлиқ йирикроқ соқмонга кўчирилади, құзилари 10—12 кунлик бўлганидан кейин учинчи соқмон тузилади. Кейинчалик бу учинчи соқмон иккинчи соқмон ҳисобига кенгайтириб турилади.

Соқмонларни йириклаштириш вақтида яхши ўсмаётган нимжон құзилар ўз соқмонларида қолдирилиб, уларга янги құзилар қўшила беради. Йирик соқмонларни тузишда құзиларнинг ёшлиаригина эмас, балки ривожланиш даражалари ва ўз оналарини яхши танийдиган бўлишлари ҳам эътиборга олинади.

Кичик соқмонларни яйловга бошқа соқмонлардан кечроқ, яъни қуёш нурлари яйлов бетини бир мунча иситгандан кейин ҳайдаш ва қўтонга яқин участкада ўтлатиш керак. Кичик соқмонлар бош чўпоннинг бевосита назоратида туриши ва унга кўмаклашиш учун иккита соқмончи ажратилиши зарур.

Соқмонлардаги нимжон қўзиларни махсус кузатиб туриш лозим. Совлиқ қўзисини эмизган-эмизмаганлигини, қўзисини тўйдириш учун унинг сути етиш-етмаслигини, қўзи онасини қандай эмайтганлигини ва унинг соғлигини аниқлаш зарур. Булар аниқланганидан кейин қўзининг нормал ривожланишига халақит бераётган сабабларни бартараф қилиш керак. Катта соқмонларни яйловга ҳайдаш олдидан ва яйловдан қайтиб келганларидан кейин чўпон қўзилар ўз оналарини таниган-танимаганликларини текшириб кўриши лозим. Бунинг учун «она-бола» қилиб кўрилади.

Қўзиларнинг яйловдаги зах ерда кўпроқ қолишларига йўл қўйиш ярамайди, ётиб қолган қўзиларни соқмончи вақт-вақти билан ўринларидан турғизиши зарур.

Бир кунлик қўзилар илиқ кунлардагина қўтондан чиқарилади, кун совуб қолганида улар теплякка қамалади.

Ёғин-чочинли кунларда соқмонлар қўтон ва теплякларда туриши керак. Қўзиларни йўл ёқаларида, жарликларда ва ҳайдалган ерда ўтлатиш ярамайди, чунки бундай ерларда ўтлатилган қўзилар кўпинча тупроқ еб нобуд бўлади. Навбатчи чўпон кечалари ётиб қолган совлиқларни қўзиларни эмизиш учун бир-икки марта ўрнидан турғизиши керак. Соқмонлар жойланган қўтон кечалари фонарь билан ёритилиши зарур.

Яхши ривожланган, лекин насл учун ярамайдиган 10—12 кунлик қўчкорчаларнинг ҳаммаси бичилади. Нимжон қўчкорчалар яхши ривожланиб, бақувват бўлганларидан кейин-

гина бичилади. Бичиладиган қўчқорчалар она-ларидан ажратилиб, янги тўшама солинган қўйхонага жойланади. Қўчқорчаларни ветеринар мутахассис бичади. Бичилган қўчқорчаларнинг дастлабки 3—4 кунда узоқ вақт ётиб қолишларига йўл қўймасдан, тез-тез ўринларидан турғизиб, ҳаракатлантириб туриш зарур. Бичиш ишларини тўғри ўюштириб эпчиллик билан ўтказганда, қўчқорчалар деярли нобуд бўлмайди.

Майин ва ярим майин жунли, узун ва кам гўшт думли қўчқорчаларни бичиши билан бир вақтда ургочи қўзиларнинг дум учлари ҳам кесилади, бичилган қўчқорчаларнинг дум учлари кесилмайди. Думнинг учини кесищдан олдин думга 5 процентли креолин Эритмаси суркалади, сўнгра думнинг териси негизига қаратиб бир мунча тортилади ва учинчи бўғими каноп ип (шпагат) билан боғланади. Дум учинчи бўғим билан тўртинчи бўғим туташган жойдан кесилиши билан ҳосил бўлган яра юқумсизлантирилади. Думнинг уни кесилганидан кейин 3—4 соат ўтгач думга боғланган каноп ип олинади.

Бичиш ва дум учларини кесиши ишлари тамомлангандан кейин қўзилар оналарига қўшилади.

Қоракўлчиликда насл олишга ярамайдиган қўчқорчалар териси учун сўйилади. Уларнинг бир қанчаси асраш учун қолдириладиган бўлса, бундай қўчқорчалар ҳам бичилади.

ҚЎЙЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

Қўйчиликдаги наслчилик ишлари танлаш, жуфтлаш, озиқлантириш, парварищ қўлиш ва асрашдан иборат турларга бўлинади.

Танлаш ва жуфтлаш ишларини эпчиллик билан олиб бориш, озиқлантириш, парвариш қилиш ва асраш ишларини тұғри уюштириш туфайли қўйлар наслдан-наслга яхшиланиб боради. Буниг натижасида қўйларнинг жуни узаяди ва тиғизлашади, демак, жуннинг миқдори қўпаяди. Қўйларнинг жуни кўпайиши билан бирга тана тузилиши ҳам яхшиланади. Корақўлчиликда эса яхши сифатли қоракўл тери берадиган қўзиларнинг сони кўпаяди.

Танлаш — қўйларни ташқи кўринишларнга ва маҳсулдорлигига қараб баҳолаш демакдир. Шу танлаш натижаларига қараб қўйларнинг класслари белгиланади. Қўйчиликда бундай танлашни бонитировка дейилади. Бу ишни бонитировкачи зоотехник ўтказади.

Корақўлчиликда қўзиларни зоотехника маълумотига эга бўлмаган, аммо маҳсус курсларда тайёрлацган колхозчилар ҳам бонитировка қиласиди.

Жуфтлаш — қўчқорларни муайян совликлар билан жуфтластириш учун барвақт белгилаб қўйиш демакдир.

Корақўл қўйлардан бошқа барча қўйлар бир яшарлигига, кўкламги жун қирқими олдидан бонитировка қилинади, чунки қўйларни, хусусан уларнинг сержун зотлари қайси классга тааллуқ эканлиги жуннинг узунлигига, тиғизлиги ва сифатига қараб белгиланади. Элита группасига ажратилган қўчқор ва совликлар, бир яшарлигига асосий бонитировкадан ўтказилишдан ташқари, ҳар йили кўздан кечириб турилади.

Корақўл қўйлар бошқа зотлар каби бир яшарлигига бонитировка қилинмай, балки улар-

нинг 3—4 кунлик қўзилари бонитировка қилинади. Бу қўзилар ўсиб етилгашидан сўнг ривожланиш даражасига, конституциясига ва жун сифатига қараб яна бир марта баҳоланади.

Бонитировка айрим ва классли турларга бўлинади. Айрим бонитировка қилишда ҳар бир қўй ёки қўзи конституцияси (тана тузилиши), экстеръери (танасининг ташқи кўриниши), жун толаларининг узунлиги, тифизлиги, жуннинг оз-кўплиги, ёғли тер ва бошқа бир қанча белгилари батафсил тасвирланади.

Классли бонитировка қилишда ҳар бир қўй ёки қўчкор шу зотга хос бўлган асосий (энг муҳим) белгиларга қараб баҳоланади, аммо бу белгилар бонитировка журналига ёзиб қўйилмайди. Бунда ҳар хил классларга киргизилган қўйларгина ҳисобга олинади.

Қоракўлчиликда насл учун қолдирилган ҳамма қўчкорчалар, элитага ва биринчи классга ўтказилган ҳар хил жингалакли урғочи қўзилар ҳамда авлодининг сифатига қараб текширилаётган қўчкорлардан туғилган барча қўзилар айрим бонитировкадан ўтказилади.

Майин жунли қўйлар асрарашда элита группасига ўтказилган барча қўйлар, насл олиш учун сотиладиган ва хўжаликнинг ўзида ишлатиладиган қўчкорлар, қўчкорларни авлодига қараб текшириш учун ажратилган совлиқлар ҳамда улардан туғилган барча қўзилар (уларнинг қайси классга киргизилган бўлишидан қатъи назар) айрим тартибда бонитировка қилинади.

Урчитиш учун яроқли бошқа қўйларнинг ҳаммаси классли бонитировкадан ўтказилади. Бичилган қўчкорлар ҳамда озиб қолган ва қасал қўйлар бонитировка қилинмайди.

МАЙИН ЖҮНЛИ ҚҮЙЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

Барча майин жүнли қүйлар бонитировка қилиш вақтида қуидаги 4 классга бўлинади. Бундан ташқари 1-класснинг энг яхши қўйлари элита группасига ажратилади. Насл қўйларини яхшилаш учун улар классларга бўлинади.

1 - классга гавдалари йирик ва ўртача катталиқда бўлиб, нормал ривожланган, жун ва гўшт сифатлари қониқарли бўлган қўйлар киргизилади. Биринчи класс қўйларининг гавдаси узун, бочка кўринишида, жуни тифиз жойлашган, жун луппалари ёпиқ бўлади. Жун толаларининг узунлиги камида 7 сантиметр, ингичкалиги камида 60-сифатли, гажакланиши ва текислиги қониқарли бўлади. Қорнидаги жуни сийрак ёки жуни ҳалқасимон жингалакли бўлган қўйлар 1-классга киргизилмайди.

2-классга нормал ривожланган, жуни тифиз жойлашган, аммо 1-класс қўйларникига қараганда калтароқ — камида 6 сантиметр бўлган қўйлар киргизилади. Жун толаларининг ингичкалиги камида 60-сифатли, гажакланиши ва текислиги қониқарли бўлиши лозим. Бу қўйларнинг бўйин терилари қат-қат ёки одатдагича бўлиши мумкин.

3-классга яхши ривожланган, сийрак жунли, калла, оёқ ва қурсоқларидаги жун билан яхши қопланмаган қўйлар киргизилади. 3-класс қўйларнинг териси одатда қат-қат бўлмайди. Уларда жун толалари камида 7 сантиметр узунликда, ёғли тер нормал ёки нормадан пастроқ бўлади. Жунининг нотекис жойлари бўлади.

4-классга жунининг узунлиги 6 сантиметрдан қисқа бўлган, шунингдек кичкина гавдали яхши ривожланмаган, юқоридаги уч классга тўғри келмайдиган қўйлар киргизилади.

Майин жунли қўйлар ичida баъзан нуқсонликлари равшан бўлган ва урчитиш ҳамда юқоридаги 4 класснинг бирига киргизиш учун ҳам ярамайдиган қўйлар учрайди. Бундай қўйлар қаторига пастки жағлари калта, бутун япоги жунидаги толалари ҳалқасимон гажакли ва бошқа катта нуқсонлари бўлган қўйлар киргизилади.

Бундай қўйлар брак қилиниб, бонитировкадан кейин ўтордан чиқарилади ва яйловда семиртириб гўшт мажбурияти учун топширилади.

Майин ва дағал жунли зотларнинг дурагайларини бонитировка қилиш

Қўйларнинг бутун япоги жунидаги толалари меринос қўйларники сингари нормал жингалакли ва бўйин ёки сонларидаги жунлари дағлашмаган бўлса, бу ҳолда улар отбор группага ўтказилиб, майин жунли қўйлар қаторида бонитировка қилинади.

Бошқа майин ва ярим майин жунли дурагай қўйлар қўйидаги 5 классга ажратилади.

1-классга жуни 60 ва юқорироқ сифатли бир хил майин толалардан, шунингдек 58—50-сифатли толалардан иборат бўлған икки группа қўйлар киргизилади. Ҳар иккала группадаги қўйларнинг жуп толалари, асосан, луппасимон тузилишли, камида 7 сантиметр ва ундан узунроқ, гавдалари етарли йирик ва яхши

түзілған, яғындағы конституциясын пішиқ бўлиши зарур.

2-класстың жун толалари 7 сантиметрдан кам, лекин 6 сантиметрдан кам бўлмаган калта жунли қўйлар киргизилади. Жун толаларининг ингичкалиги 1-класстың қўйларники каби бўлиши керак. Бўйининг пастки қисмидаги ва сонларида бир оз дағал ҳамда ингичка қўлтиқ жунлардан иборат попуклар бўлишига йўл қўйилади.

3-класстың жун толалари сийрак ёки хилма-хил бўлган узун жунли қўйлар киргизилади. Гавдалари 1-класстың қўйларницидан кичкина бўлмаслиги керак. Асосан олганда, жун толалари майин жунли қўйларники каби 60-сифатли ёки ярим майин жунли қўйларники каби 58—50-сифатли бўлиши зарур, аммо япоги жунидаги ҳамда айрим луппаларида толалари хилма-хил бўлишига йўл қўйилади. Жун толаларининг узунлиги камида 7 сантиметр бўлиши керак. Бўйининг пастки қисмидаги ва сонларида дағал жунлар ҳамда ингичка қўлтиқлардан иборат попуклар бўлиши мумкин. Бундай қўйларнинг қорнидаги жунлари кўпинча сийрак бўлади.

4-класстың жун толалари майин ёки ярим майин бўлган, аммо 1, 2 ва 3-класстың қўйларга нисбатан қўйилган талабларга тўғри келмайдиган (нозик, тана тузилиши қониқарсиз, жуда калта ёки сийрак жунли, қорнидаги жуни сийрак) қўйлар киргизилади.

5-класстың жун толалари попук шаклида тузилган хилма-хил (ярим дағал) жунли, наслни яхшиловчи зотнинг айрим белгиларига эга бўлган дурагай қўйлар киргизилади.

Думбали қўйларни бонитировка қилиш

Қўйларнинг думбали зотларини урчтишдаги наслчилик ишларида уларнинг гўшт-ёғ сифатларини яхшилаш, тана тузилишининг бақувватлигини сақлаш ҳамда жунларининг миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилиши зарур. Бироқ, думбали қўйларнинг жун сифатини яхшилаш уларнинг конституцияси (тана тузилиши) бўшашиб, вазни ва гўшт-ёғ маҳсулоти камайиб қолишига сабаб бўлмаслиги шарт.

Хисор зот ҳамда жайдари думбали қўйлар бонитировка қилиш вақтида 1, 2 ва 3-классга ажратилади.

1-классга бақувват, конституцияли ва гўшт-ёғ сифатлари яққол кўриниб турган қўйлар киргизилади. Бу қўйларнинг думбаси катта ёки ўргача, юқорига томон кўтарилиб ёки салгина осилиб турадиган бўлиши керак. Жунлари етарли даражада тифиз ва биринчи ёки иккинчи сорт бўлиши зарур. Бироқ, хисор қўйларининг гўшт-ёғ сифати яхши бўлганида, жунлари оз ва паст сифатли бўлса ҳам, улар 1-классга киргизила беради.

2-классга дағал ва бўшанг конституцияли қўйлар киргизилади. Гавдаларининг катталиги, ва вазни 1-класс қўйларницидан қолишмаслиги ёки ошиқроқ бўлиши керак. Жунлари дағал, кўп миқдор дағал қилтиқ, қуруқ ва ўлик толалар аралашган, қорнида ҳамда оёқларидаги жун сийрак бўлади.

3-классга чала ривожланган, анча нозик конституцияли қўйлар киргизилади. Гўшт-ёғ сифатлари яхши ривожланмаган бўлади. З-класс

қўйлар учун жун сифати унчалик мухим эмас. Экстеръери, думбаларининг катталиги ва шакли қониқарсиз, жуда камжун бўлган қўйлар ҳам 3-классга ўтказилади.

Конституцияси ва гўшт-ёғ маҳсулоти жиҳатидан энг яхши қўйлар элита группасига киргизилади. Гавдаларининг катталиги, вазии ва тана тузилиши жиҳатидан энг юқори кўрсатичларга эга бўлган 2-класс типидаги қўйлар ҳам элита группасига ўтказилиши мумкин.

Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш

Қоракўл қўзилар жунларининг рангига қараб: қора, ширози (кўк), сур ва жигар ранг терили қўзиларга бўлинади. Кўпчилик қоракўл қўзиларнинг териси қора рангли бўлади.

Зотли қора қўзилар бонитировка вақтида жингалаклари (гулларининг катта-кичиклигига қараб уч группага (майдা, ўртача ва йирик жингалакли группаларга) ажратилади. Майда жингалакларининг эни 4,5 миллиметр, ўртача жингалакларининг кенглиги 4,5 дан 8 миллиметр гача, йирик жингалаклари — 8 миллиметрдан кенгроқ бўлади. Ўртача жингалакли қўзилар тўрт классга: элита, 1, 2 ва 3-классларга бўлинади. Майда жингалакли ва йирик жингалакли қўзилар уч классга: I, II ва III классларга бўлинади. Терининг сифатига қараб брак қилинган қўзилар классларга киргизilmайди.

Жингалакларининг катта-кичиклигини белгилашда қўзининг конституцияси эътиборга олинади. Жингалаклари ўртача катталикда бўлган, аммо конституциясининг бесёнаҳайлиги равshan кўриниб турган қўзилар йирик жинга-

лакли группага, конституциясининг нозиклиги равшан кўриниб турган ўртача жингалакли қўзилар эса майда жингалакли группага ўтказилади.

Қора терили қўзиларни классларга ўтказишида теридаги жингалакларининг қимматли шакллари (қалам, лублагуллар) бор-йўқлиги ва терига тарқалиш доираси, қалам гулларнинг бўйи ва шакли (думалоқ, ясси бўлиши, жингалакларнинг эластиклиги, жунларнинг зичлиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, терининг гулдорлиги, пўстининг қалинлиги ва пишиқлиги, калла, қурсоқ, дум ва оёқлардаги жунларнинг тифиз-сийраклиги ҳамда қўзининг конституцияси эътиборга олинади. Ҳар бир класснинг характеристикаси қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш инструкциясида муфассал тасвир этилган.

Ширози қўзиларни бонитировка қилишда жунларининг товланишига — жингалаклари оч кул рангли, ўртача кул рангли, тўқ кул рангли бўлишига катта эътибор берилади.

Ширози қўзилар учун терининг ҳамма жойидаги жингалаклар бир хил рангда товланиб туриши катта роль ўйнайди. Жингалаклар хилма-хил рангда товланиб туриши терининг сифатини ва қўзининг классини пасайтиради.

Ширози қўзилар ҳам қора қўзилар каби, жингалакларининг катта-кичиклигига қараб баҳоланади; лекин ширози қўзиларнинг жуни бир мунча узуироқ ўсадиган бўлгани сабабли, уларда эни 5 дан 10 миллиметргача келадиган жингалаклар ўртача деб ҳисобланади.

Ўртача кул ранг терили қўзилар тўрт классга — элита, 1, 2 ва 3-классларга бўлинади.

Оч кул ранг ва тўқ кул ранг терили қўзилар эса уч классга — 1, 2 ва 3-классларга ажратилади. Ширози қўзиларни классларга ажратишда жингалакларининг типларига, жунларининг ипаксимонлигига, гулларининг очиқ кўриниб туришига, терининг бутун жойидаги жунларнинг товланишига ва бир хил рангли бўлишига алоҳида эътибор берилади.

Сур қўзиларда жун толасининг пастки қисми анча қорамтири, учи эса очроқ рангли бўлиб, ялтираб туради. Жун толасининг пастки қисми қанча қорамтири бўлса, сур терининг ранги шунча равшан кўринади ва бундай терили қўзилар шунча қимматроқ баҳоланади. Жун толаларининг пастки қисми деярли қора бўлиб, учлари кумушсимон ялтираб турган терилар (кумушсимон сур) энг қиммат баҳоланади. Сур қўзиларда ҳам худди ширози қўзилардаги каби, терининг бутун жойидаги жунлар бир рангда бўлиши муҳим роль ўйнайди.

Сур қўзилар ҳам жингалакларининг катта-кичиклиги ва конституцияси жиҳатидан қора қўзилар учун белгиланган тартибда баҳоланади.

Жун толаларининг пастки қисми қора рангли бўлган сур қўзилар элита, 1, 2 ва 3-классларга, жун толаларининг пастки қисми оч рангли бўлган сур қўзилар эса — 1, 2 ва 3-классларга ажратилади.

Сур қўзиларни классларга ажратишда жун толаларининг пастки қисми билан учларидаги тусларнинг қай даражада фарқ қилишига, бутун теридаги жунларнинг ранги бир хилда бўлишига, жунларининг ипаксимон ва ялтироқ бўлишига, жингалакларининг шаклига ва қўзининг конституциясига катта эътибор берилади.

Қоракүлчиликда жигар рангли қўзилар энг паст сифатли ҳисобланади. Улар оч, ўртача ва тўқ жигар рангли қўзиларга ажратилади. Жигар рангли қўзилар ҳам жингалакларининг катта-кичиклиги ва конституцияси жиҳатидан қора қўзилар учун белгиланган тартибда баҳоланади. Бу қўзилар жунларининг товланиш даражасига қараб уч классга бўлинади, аммо элитага ажратилмайди.

ҚЎЙЛАРГА ЭН СОЛИШ

Барча наслдор қўйларга ўзига хос айрим номерлар кўрсатилган эн солинади ва бонитировка қилиш вақтидаги классларини кўрсатадиган белги қўйилади.

Оқ жунли қўйларга айрим номерлар қулоқ супрасининг ички томонидаги жунсиз жойини татуировка қилиш йўли билан қўйилади. Бунинг учун динатуратга айлантирган спиртда ёки 3 процентли карбол кислота эритмасида суюлтирилган голландия қуруми ишлатилади.

Рангдор қулоқли қоракўл қўйлари, думбали ва бошқа қўйларнинг қулоғига тунука (металл) зираклар тақилади.

Қўйларнинг классларини кўрсатиш учун қулоқлари кертила (ўйила)ди.

Бунинг учун барча майин жунли қўйларнинг ўнг қулоқларига эн солинади (ба ва бб расмлар).

Элита бўлганида ўнг қулоғининг учида «стрелка»га ўхшатиб бир кертик,

1-класс бўлганида — ўнг қулоғининг пастки четига бир кертик,


2-класс бўлганида — ўнг қулоғининг пастки четига икки кертик.

3-класс бўлганида — ўнг қулоғининг устки четига бир кертиқ,

4-класс бўлганида — ўнг қулоғининг ҳам устки, ҳам пастки четларига бир кертиқ қилинади.


I Ярим майин жунли
қўйларга эн солиш:

II Майин-дағал жунли
дурагай қўйларнинг класс-
ларни белгилаш:





Ба-расм. Қўйларга эн солиш.

III Думбали қўйларнинг классларини белгилаш:



IV Қора жунли қорак юл қўзиларга эн солиш:



6 б - расм. Қўйларга эн солиш.

Майин жунли — дағал жунли дурагайларнинг чап қулоқларига эн солинади, чунончи:

отбор (энг яхши) бўлганида — чап қулогининг учига «стрелка»га ўҳшатиб бир кертик,

1-класс бўлганида — чап қулоғининг пастки четига бир кертик,

2-класс бўлганида — чап қулоғининг пастки четига икки кертик,

3-класс бўлганида — чап қулоғининг устки четига бир кертик,

4-класс бўлганида — чап қулоғининг ҳам устки, ҳам пастки четларига бир кертик,

5-класс бўлганида — чап қулоғининг устки четига бир кертик қилинади.

Бундан ташқари, 60-сифатдан дағал бўлмаган ва бонитировка вақтида 1, 2, 3 ёки 4-классга киритилган барча майин жунли дурагай қўйларга чап қулоғининг учиги «стрелка»га ўҳшатиб бир марта кертиш йўли билан эн солинади.

Думбали зотлар (қўйлар)нинг класслари ўнг қулоғига эн солиш йўли билан кўрсатилади, чунопчи:

элита бўлганида — ўнг қулогининг учига «айри»га ўҳшаш бир кертик,

1-класс бўлганида — ўнг қулогининг пастки четига бир кертик,

2-класс бўлганида — ўнг қулогининг устки четига икки кертик,

3-класс бўлганида — ўнг қулоғининг устки четига бир кертик қилинади.

Қоракўл қўйларнинг ҳам чап, ҳам ўнг қулоқлари кертилади.

Қора жунли қоракўл қўзиларнинг чап қулогига жингалагининг катта-кичиклигини кўрсатадиган эн солинади, чунончи:

жингалаги майда бўлганида — чап қулоғининг устки четига бир кертиқ,

жингалаги ўртача бўлганида — чап қулоғининг учига бир кертиқ,

жингалаги йирик бўлганида — чап қулоғининг пастки четига бир кертиқ қилинади.

Ширози (кўк жунли) қўзиларга жун толаларининг товланишига қараб чап қулоғига эн солинади, чунончи:

жуни оқимтири (оч кул ранг) бўлганида — чап қулоғининг устки четига бир кертиқ,

жуни ўртача кул ранг бўлганида — чап қулоғининг учига бир кертиқ,

жуни тўқ кул ранг бўлганида -- чап қулоғининг пастки учига бир кертиқ қилинади.

Сур қўзиларга жун толаларининг пастки қисми товланишига қараб чап қулоғига эн солинади, чунончи:

жуни толаларининг пастки қисми оч рангли бўлганида — чап қулоғининг устки четига бир кертиқ,

жуни толаларининг пастки қисми тўқ (тилласимон) рангли бўлганида — чап қулоғининг пастки четига икки кертиқ қилинади.

Жигар ранг қўзиларга ҳам ширози қўзилар учун белгиланган тартибда, лекин жун толаларининг жигар рангда товланиши эътиборга олиниб эн солинади.

Барча ранглардаги қўзиларнинг класслари-ни кўрсатиш учун ўнг қулоқларига эн солинади, чунончи:

элита бўлганида — ўнг қулоғининг ҳам устки, ҳам пастки четларига бир кертик,

1-класс бўлганида—ўнг қулоғининг пастки четига бир кертик,

2-класс бўлганида — ўнг қулоғининг пастки четига икки кертик,

3-класс бўлганида — ўнг қулоғининг устки четига бир кертик қилинади.

Терисининг сифатига қараб брак қилинган қўзиларнинг ўнг қулоқ учи кесиб олинади.

Дурагай қўзиларнинг қулоқларига юқорида кўрсатилган тартибда эн солищдан ташқари, чап қулоқ супрасининг ўртаси тўгарак қилиб тешилади.

Дурагай қўзилар элита группасига ажратilmайди.

ҚЎЙЛАРНИНГ ЖУНИНИ ҚИРҚИШ

Чўпон бригадаларининг йиллик ишлари қўйларнинг жунини қирқишибилан якунланади. Шу сабабли, бутун жунни нобуд қилмай ва сифатини пасайтирмай қирқиб-йифиб олиш учун қирқим ишларининг тўгри уюштирилиши ва тўғри ўтказилиши устидан чўпон кузатиб туриши керак.

Майн ва ярим майн жунли қўйларнинг, шунингдек жунлари бир хил толалардан иборат бўлган дурагай қўйларнинг жуни йилига бир марта — кўкламда, жун толалари ҳар хил бўлган дағал ва ярим дағал жунли қўйларнинг жуни эса йилига икки марта — кўкламда ва кузда қирқилади.

Қўйларнинг жунини жуда эрта қирқиши маъқул кўрилмайди. Чунки жуни жуда эрта қирқиленган қўйлар шамоллаб касалланишлари мум-

кин; бундан ташқари, эрта қирқиб олинган жун толалари тұла узунликкача ўсиб улгурмаган ва одатда қуруқ, яъни улардаги ёғли тер зарур миқдордан кам бўлади.

Шу билан бирга жунни вақтидан кечиктириб қирқиши ҳам ярамайди, чунки жуни вақтида қирқилмаган қўйлар яйловда секин семиради, иссиқ кунларда яхши ўтламайди. Вақтида қирқилмаган япоғи жун жуда қуриб қолади ва борган сари кўпроқ қариқиз уруғлари билан ифлосланиб ҳамда парчаланиб қолади. Иссиқ кунлар бошланиши билан дағал жунли қўйларнинг жуни туллаб, парча-парча бўлиб тўкила бошлайди.

Шу сабабли жуннинг ўсиш пайтини пайқаб, уни шу пайтдан кечиктирмай қирқиб олиш зарур. Майин ва ярим майин жунли қўйларда бу пайт кўкламда аввалги жуннинг пастки қисмида ундан бошқачароқ рангда ва ёғли тери кўпроқ бўлган янги жун ўсаётганлиги кўриниши билан бошланади. Дағал жунли қўйларда эса аввалги япоғи жун теридан кўчади ва унда янғи толалар пайдо бўла бошлайди.

Кўкламда жун қирқишини Ўзбекистоннинг кўпчилик районларида апрель—1 майда, шимолий районларда эса 5—10 кун кечроқ бошлаш мумкин. Қузги қирқимни ҳамма районларда 25 августдан 1 сентябргача бошлаш мумкин. Буни ҳам кечиктириш ярамайди, чунки бу вақтдан кечиктирилганида қўйларнинг жуни қишки соvuқлар бошлангунча ўсиб улгурмайди.

Қўйларнинг жунини ҳам кўклам, ҳам кузда энг қисқа муддатда, 15—20 кундан узоққа чўзмасдан олиб бўлиш керак.

Жун қирқиши пункти

Жун қирқиши пункти хўжаликнинг қўйларни ҳайдаб келтириш қулай бўлган жойида ташкил қилинади.

Жун қирқиши пункти учун одатда яхши қўтон ажратилади, бу қўтон қирқим бошланиш олдидан гўнгдан тозаланади ва дезинфекция қилинади. Қўтоннинг ичига тахта ёки брезент тўшалади. Бу қўтон ёргу, қурғу ва яхши шамоллатиладиган бўлиши шарт. Шу билан бирга жун қирқиши пункти ўт ўчирадиган асбоблар билан ускуналаниши лозим.

Дастлаб ахта қўйларнинг, сўнgra ёш қўйлар, насл қўчқорлари ва совлиқларнинг жуни олиниади. Қиммат баҳо насл қўйларининг жунини олиш иши тажрибакор қирқувчиларга топширилади.

Территорияни, пункт биносини ва соғ қўйларни қўтириш каналари юқишидан ҳимоя қилиш учун қўтириш касаллиги тушган ўторлардаги қўйларнинг жуни энг охирда ёки алоҳида олиниади.

Кейинги йилларда деярли ҳамма қўйларнинг жуни электр машина билан олиниади. Қўйларнинг жунини машина билан олишда, одатдагича қўл қайчи билан олишдагига қараганда, иш анча тезлашади ва сифатли ўтказилади. Масалан, қўл қайчи билан бир кунда 20—25 қўйнинг, электр машина билан эса 60—70 қўйнинг жуни олиниади. Электр машина жунни терига яқинроқ қисмидан қирқади, натижада жун толалари анча узун бўлади ва ҳар қўйдан олинган жун, қўл қайчи билан қирқишдагига қараганда, 100—200 грамм кўпроқ бўлади.

Тажриба натижаларига кўра, маҳсус ускуналанган йирик жун қирқиши пункктларида ишунуми анча ошади. Шуни назарга олиб, колхозлараро жун қирқиши пункктлари ташкил қилиш керак. Бундай пункктлар ташкил қилинганида бир кунда 5 000 га яқин қўйнинг жунини олиш мумкин бўлади.

Жун қирқадиган колхозлараро катта пункт учун маҳсус бино ёки бостирма қурилади. Бунда қўйларнинг жунини олиш учун икки қатор стол ўрнатилиб, бу столлар орасига (пункт биносининг ўртасига) лентали транспортёр жойланади. Бу транспортёр қирқиб олинган япони жунни столлардан хиллаш ва тойлаш (қанорга босиш) бўлимига жўнатиб туради.

Қўйларни жун қирқишига тайёрлаш

Қўйлардан сифатли жун қирқиб олиш учун, уларни сурункасига ва яхшилаб озиқлантириш зарур. Қўйлар қишки яловларда ўтлатилганида уларга қўшимча ем-хашак бериб туриш зарур.

Қўйлар оч қолганида жун сифати жуда пасаяди, яъни жун толалари анча ингичкалашади, «чала» толалар пайдо бўлади, бундай жунни саноат корхоналари нуқсонли, брак жун ҳисоблаб арzon баҳолар билан қабул қиласди.

Қўйларни асрasha уларнинг жуни ифлослашишига йўл қўймаслик керак, чунки хас-чўп жуннинг сифатини жуда пасайтиради.

Қўйларнинг озиқни ҳазм қилиши ва ич кетиши касаллигига дучор бўлмаслиги учун, уларни қишки қуруқ ем-хашаклардан кўкламги яйлов ўтларига бирданига эмас, балки аста-секин кўчириш керак. Озиқни яхши ҳазм қилмаган

қўйлар оза бошлайди, танасининг орқа қисмидағи жун жуда ифлосланади. Бундай ифлосланган жунни қўйлар жун қирқиш пунктiga келтиргунча қирқиб олиш зарур.

Дағал жунли қўйларни жун олиш бошланишидан 2—3 кун олдин тоза ва мумкин бўлганида оқар сувда чўмилтириш керак, чунки тоза жунни қирқиш анча осон бўлади. Майин ва ярим майин жунли қўйлар қирқиш олдидан чўмилтирилмайди.

Жун қирқиш иши тўхтаб қолмаслиги учун қўйларни пунктга ҳар куни кечқурун келтириб туриш лозим. Ёмғир ёғиб қолганида қўйларни бинога киргизиш зарур. Қўйларнинг жуни кечқурун олинадиган бўлса, уларни пунктга шу куни эрталаб келтириш мумкин, аммо ҳайдаш пайтида ўтлатмаслик керак.

Жун қирқишга 12—14 соат қолганида қўйларга озиқ ва сув берилмайди, чунки ичак-қоринлари тўлиб қолган қўйлар жунини қирқиш вақтида анча қийналади ва баъзан ичаклари чалкашиб ўлиб ҳам қолади. Жунини қирқиш олдидан ичак-қорни озиқдан бўшаб қолган қўйлар қирқиш вақтида жунини спидик ва тезак билан ифлосламайди.

Қўйларнинг жуни қуруқ бўлганидагина яхши қирқилади. Қўйларни ёмғир ёки кучли шабнамдан сақлаш мумкин бўлмагани сабабли уларнинг жуни намланиб қолганида, жунлари қуригунча уларни қўрада сақлаш керак.

Чўпон ўтордаги қўйларнинг жуни 5 соатда қирқиб олиниши устидан кузатиб туриши зарур. Катта пунктда ўтордаги қўйларнинг жуни 1,5—2 соатда олинади.

Қўйларнинг жунини қирқишиш қоидалари

Жун толалари узунроқ бўлиши учун, қирқувчилар қўйларнинг жунини мумкин қадар терига яқин қилиб бир текисда қирқишилари керак. Баъзан қўйларнинг жунини икки қайта қирқиб, катта зарап етказадилар. Бу ҳолда жун биринчи марта терида 3 сантиметрга яқин қолдириб, иккинчи марта эса терига тақаб қирқилади. Бундай қирқилган жун анча арzon нарх билан қабул қилинади. Демак, қўйларнинг жунини икки қайта қирқишишга йўл қўйган қирқувчи чўпоннинг неча ойлик меҳнатини бир неча секундда беҳудага кетказади.

Чўпон қўйларнинг япоги жуни парчаланмасдан, яхлит қилиб олинишини кузатиб туриши керак. Парчаланган япоги жунни хиллаш анча қийинлашади, натижада хиллашга кўпроқ меҳнат сарфланади ва бундай жун кейинчалик яхши ишланмайди. Қирқишиш вақтида япоги жунни парчаламаслик учун, тажрибакор чўпонлар қўйлар билан авайлаб муомала қиласидилар, қўй тепиниб-сакраб япоги жунни парчалашига йўл қўймайдилар, бунинг учун улар қўйнинг оёқларини боғлайдилар.

Қирқишиш вақтида қўйнинг терисини кесишга йўл қўймаслик керак. Терининг кесилиши қўйга зарар етказишдан ташқари, тери парчалари жун ичида қолади ва қуриб энг ярамас аралашмага айланади. Жунни хиллаш вақтида бундай тери парчаларини қўл билан териб олишга ва бунинг учун анчагина вақт сарфлашга тўғри келади. Жун орасида туриб қолган тери парчалари жунни йигирадиган корхоналардаги

машиналарнинг тароқларига тиқилиб, уларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Совлиқ ва урғочи қўзиларнинг жунини қирқиб олишда уларнинг елин ва эмчаклари кесилмаслигига катта эътибор бериш керак.

Япоғи жуннинг ифлосланиши ва ҳўлланишига йўл қўйилмасин, чунки ифлос ва ҳўл жун чирий бошлайди, анча арzon нарх билан қабул қилинади.

Жун қирқиши вақтида қўйлар билан жуда авайлаб муомала қилиш керак, чунки қўпол муомала қўйларнинг касалланиши, майибланиши ва ўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Қўйнинг жуни одатда оёқларидан олина бошланади, сўнgra қурсоғига ўтилади, ундан кейин гавдаси бўйлаб биқинларидаги, орқаси, бели, сағрисидаги ва энг охирда калласидаги жуни қирқилади.

Бирор қирқувчи қўйларнинг жунини яхши олмаётган бўлса, чўпон бу қирқувчининг шу ишдан олинишини талаб этиши керак. Одатда тажрибакор чўпонлар ўз ўторидаги қўйларнинг жунини олиш вақтида қирқувчилар ёнига бориб уларнинг иш сифатини текшириб туришлари лозим.

Қўйнинг жуни қирқилганидан кейин, япоғи жун ташувчи аёл жунларни йиғиштириб олади ва тарозида тортиш учун учётчик-ҳисобчининг столига олиб боради. Айни вақтда қўйнинг жуни қирқилган жой супуриб тозаланади, сўнgra шу тозаланган жойга иккинчи қўй ётқизилади.

ЖУНИ ҚИРҚИЛГАН ҚҮЙЛАРНИ ПАРВАРИЛ ҚИЛИШ

Жуни олинган оч қўйларни бирданига сер-
ўт яйловларда, айниқса бедопоя ва ҳўл ўтли
ерларда ўтлатиш ярамайди, чунки қўйларнинг
қорнида газ (ҳаво) тўпланиб, қорни шишиб
кетиши ва улар нобуд бўлиши мумкин.

Жуни олинган қўйларни дастлаб қуруқ ўт-
ли яйловда ўтлатиш ва тўйиб ўтлаганларидан
кейингина сершира ўтли яйловларга ҳайдаш
зарур.

Жуни олинган қўйларга совуқ жуда тез
таъсир этади. Шуни эътиборга олиб, чўпонлар
бригадаси жуни олинган қўйларни дастлабки
5—7 кунда шамолли совуқ ёмғир, хусусан
дўлга учраб қолишдан қўриқлаш тўғрисида
ғамхўрлик қилиши лозим, чунки ёмғир ёки
дўл кўпчилик қўйларнинг шамоллаб касал-
ланишига ва ҳатто ўлишига сабаб бўлади.

Бу кунларда қўйларни ёғин-чочиндан қўриқ-
лаш мумкин бўлсин учун, улар қўтонга яқин
участкаларда ўтлатилиши керак. Қўтон бўлма-
ганида сойлардан фойдаланиш зарур.

Чўпонлар жун қирқиш вақтида терининг
кесилган жойларидаги яраларни тузатиш учун
ғамхўрлик қилиб, уларни ўз вақтида ювиб ва
дорилаб туришлари, яралар қуртлаб кетишига
йўл қўймасликлари лозим.

Жунлари янги олинган қўйларнинг териси
иссиқ қуёшли кунларда куйиб қолиши мумкин.
Шуни назарда тутиб, жуни олинган қўйларни
дастлабки 3—4 куннинг иссиқ пайтларида
қўтонда ёки бошқа пана жойда тутиш зарур.

ЖУННИ ҲИСОБГА ОЛИШ, КЛАССЛАРГА АЖРАТИШ ВА ТОЙЛАШ

Насл қўйларининг ҳар биридан қирқиб олинган жун миқдорини ва қўйнинг вазнини ёзиб қўйиш керак. Бошқа қўйларнинг жуни ҳисобланмай, балки ҳар классдаги 100 та қўйнинг жун маҳсулоти ҳисобга олинади.

Ҳар бир ўтордан қанча ва қандай класс жун қирқиб олинганини билиш учун жун ҳисоби олиб борилиши лозим.

Қирқиб олинган жун учётчик-ҳисобчи томонидан тарозида тортилганидан кейин маҳсус панжарали столга солинади. Бунда жунни классларга ажратувчи киши (классировщик) япоғи жунни столга ёйиб, ифлосланган парча жун ва бегона аралашмалардан тозалайди ва сўнгра жуннинг классини белгилайди.

Колхоз ва совхозларда жунни классларга ажратиш иши маҳсус тайёрланган жуншуносларга топширилиши керак.

Одатда жун нормал, нуқсонли, хас-чўп ва қариқиз билан ифлосланган классларга ажратилади.

Нормал япоғи жунда нуқсонлар бўлмайди ва унинг асосий қисмлари хас-чўпдан тоза бўлади.

Нуқсонли жунда қўйларнинг қўтириб касаллиги билан оғриганлигини кўрсатадиган белгилар ёки япоғи жуннинг 10 процентидан зиёдроқ қисмига тарқалган «пуч» толалар бўлади.

Хас-чўп билан ифлосланган жун бутун япоғи жуннинг 10 процентдан кўпроқ қисми сомон, пичан каби осон ажратиб олинадиган ўсимлик аралашмалар билан ифлосланган бўлади.

Қариқиз илашган жун — бутун япоғи жуннинг 10 процентидан кўпроқ қисми ажратиб олиш қийин бўлган қариқиз, чалав каби хасчўплар билан ифлосланган бўлади.

Бундай нуқсонли ҳамда хасчўп ва қариқиз билан ифлосланган жун нормал жунга қараганда анча арzon нарх блан қабул қилинади. Шу сабабли чўпонлар бригадаси жуннинг миқдори ҳақидагина эмас, балки сифати ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиши керак.

Майин толали оқ жун толаларининг узункалталигига қараб, тайёрлаш стандарти бўйича З классга ажратилади.

1-классга толаларининг узунлиги 6,5 сантиметрдан кам бўлмаган, 2-классга толалари 5,5 дан 6,4 сантиметргача бўлган, 3-классга толалари 5,4 сантиметрдан кам бўлмаган жунлар киргизилади.

Бу класслар ҳар бир жуннинг ингичкалигига қараб яна 2 та кенжा классга бўлинади. Биринчи кенжা классга ингичкалиги 64—70-сифатли, иккинчи кенжা классга 60—64-сифатли жунлар киргизилади.

Паст сорт жунлар, яъни ердан териб, оёқ ва думларидан қирқиб олинган ҳамда гўнг билан ифлосланган парча жунлар классларга ажратилмайди, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида тойга боғланади.

Майин-дағал жунли дурагай қўйларнинг оқ рангли ярим майин нормал япоғи жуни З классга ажратилади. 1-классга толалари камида 7 сантиметр, 2-классга 4 дан 7 сантиметргача узунликдаги жунлар киргизилади. 1 ва 2-классларга киргизиладиган жун толаларининг

ингичкалиги 56—58-сифатлы бўлиши керак. Толаларининг узунлиги камида 4 сантиметр, ингичкалиги 50-сифатли бўлган жунлар 3-классга киргизилади.

Дурагай қўйларнинг ярим дагал жуни попуксимон тузилишли, ҳар хил ингичкалик ва узунликдаги толалардан иборат бўлиши билан ярим майин жундан фарқ қиласди. Попуклари турли нисбат (микдор) даги тивит, ўрталик ва қилтиқ жун толаларидан иборат бўлади. Ярим дағал япоғи жун ундаги тивит ва қилтиқларнинг микдорига ҳамда попукларнинг характеристига (узун-калталиги, қилтиқ жунларининг дағал-майнинлиги, ўлик жунлар бор-йўқлигига) қараб 1 ва 2-классларга ажратилади.

Қоракўл қўйларнинг ҳамда хисор қўйларидан бошқа думбали қўйларнинг кўкламги жуни уч классга ажратилади. Бу жунлар қилтиқ ва тивитларининг оз-кўплигига ҳамда попукларнинг характеристига қараб тегишли классга ажратилади. Хисор қўйларнинг жуни классларга ажратилмайди.

Кузда қирқилган дагал ва ярим дағал жунлар, шунингдек қўзилардан олинган жунлар (поярка) ҳам классларга ажратилмайди.

Жунни тайёрлаш пунктларида қабул қилиш вақтида ундан неча процент тоза жун чиқиши аниқланади ва топширилган жуннинг микдори (вазни) шу процентга қараб ҳисобланади. Чўпонларга меҳнат ҳақини тўғри тўлаш учун ҳар қайси ўтордан олинган жундан қанча тоза жун чиққанлигини алоҳида белгилаш зарур.

Япоғи жун баҳоланганидан кейин ўраб қўйилади. Бу жун четларининг учдан бир қисми

ичкарига тахланиб, ички томони ташқарига қаратилиб ўралади.

Жун мумкин қадар зич қилиб қанорларга жойланади. Қанорларни колхозларга район матлубот союзининг тайёрлаш конторалари беради.

Жунни тур-хили, ранги, класслари ва ақволига (нормал, нуқсонли, ифлосланган бўлишига) қараб алоҳида қанорларга жойлаш керак. Паст сорт жунлар (ердан териб ҳамда оёқ ва думларидан қирқиб олинган, гўнг билан ифлосланган жунлар) ранги ва ақволига қараб ажратилмай алоҳида қанорларга жойланади.

Майнин жун жойланган тойларнинг вазни 100—110 килограмм, дағал жунли тойларники эса 80 килограмм келади.

Жун жойланган тойлар ўчмайдиган бўёқ билан маркировка қилинади, яъни уларнинг бош томонларига тахминан қўйидаги маълумотлар ёзиб қўйилади:

Бухоро области
Конимех райони
Киров номли колхоз
Қоракўл, хисор, жайдари қўй
Нормал ярим майнин жун
Кўкламги, кузги, поярка жун
Ҳар хил рангли
№ 24
Брутто — 75 кг, Нетто — 73 кг¹
Тоза жун чиқиши 72%.

¹ Брутто деб жуннинг қанори билан бирга тортилган, нетто деб қанорсиз тортилган нуқул жуннинг оғирлигига айтилади.

Жұн жойланған тойларни тайёрлаш пункти га жүннатишгача усти ёпиқ қуруқ бинода сақлаш зарур. Жұн намланиб қолмаслиги учун тойларни ёғоч тагликлар устига таxлаш ва тайёрлаш пунктига ташиш вақтида ёмғирдан сақлаш керак.

ҚҰЙЛАРНИ ЁЗДА АСРАШ

Үтторда күкламғи ишлар, яъни құзилатиш, жун қирқиң ва құтир касаллигининг олдини олиш мақсадида чўмилтириш ишлари ўтказилғандан кейин қўйлар ёзги яйловларга ҳайдалади.

Ўзбекистоннинг қоракўлчилик районларида ёзда асраш учун қўйлар қишида ем-хашак ва бинокорлик материалларини олиб бориш жуда қийин бўлган узоқ яйловларга ҳайдалади. Колхозларнинг хўжалик марказларига яқинроқ бўлган кузги ва қишки яйловлар шу йўл билан сақлаб қолинади.

Думбали қўйлар боқиладиган районларда қўйларни ёз фаслида, яъни йилнинг бошқа фаслларида бориб бўлмайдиган тоғларга ҳайдаш усули кенг қўлланилади.

Қоракўл қўйлар боқиладиган районларда ёзги ҳаво жуда иссиқ бўлади ва қўйларни кўпинча ўтлари қуриб қолган яйловларда ўтлатишга тўғри келади. Шу сабабли қўйларни ёз фаслида боқиши учун участкалар таъминланған бўлишига катта эътибор бериш зарур. Қўйларни ёзда боқиши учун барра ўтлар ва кўк буталар ўсадиган яйловлар энг яхши ҳисобланади. Ёзги яйловларда сув чучук бўлиши зарур. Энг яхши яйловларни қўзили совлиқлар ва қўзилар учун ажратиш керак. Ёз фаслида қўйларни ҳар суткада ками-

да икки марта сугориш лозим. Чўл ва дашт районларда қўйларни асосан кечалари ўтлатиб, куннинг иссиқ пайтларида қудуқлар ёнида дам олдириш зарур.

Тоғ яйловларида унчалик иссиқ бўлмайди. Уларда булоқ, сой каби табиий сув манбалари кўп бўлади. Бу яйловлар асосан паст-баландликлардан иборат бўлади. Шу сабабли тоғ яйловларининг баъзиларида қўйларни кечалари ўтлатиш ҳам зарур бўлмайди.

Кўйлар ёзги яйловларга олдиндан тайёрланган планга мувофиқ ҳайдалади. Бу планда тайёргарлик ишлари, қўйларни ёзги яйловларга ҳайдаш ва жойлаштириш тартиблари кўрсатилган бўлади.

Тайёргарлик кўриш даврида чўпонлар бригадаси ветеринар ходимлар билан биргалашиб ўторда бруцеллёз, куйдирги ва гижжа касалликларининг олдини олиш тадбирларини ўтказиши керак. Сўнгра ҳар бир чўпон ўз ўторидаги қўйларни битталаб кўздан кечириши ва ёзги яйловларга бора олмайдиган нимжон, касал қўйларни ажратиши ҳамда ортиқча ўсиб кетган туёқларининг учини кесиши лозим.

Касал ҳамда нимжон қўйлар даволаш ва яхшилаб боқиш учун колхоз изоляторида қолдирилади.

Кўйларни ёзги яйловга ҳайдаш олдидан ўтов ёки палаткаларни ремонт қилиш ва ҳамма зарур асбоб-ускуналарни тайёрлаб қўйиш керак.

Яйловда боқиладиган ўторларнинг чупонлари қўйларни тарозида тортиб, ферма мудиридан ведомость бўйича қабул қилиб олишлари лозим. Бу ведомостда қўйларнинг семизлик

даражаси ва планга мувофиқ яна қанча семиртирилиши зарурлиги кўрсатилиши керак.

Қўйлар тузилган маршрут (босиб ўтиладиган йўл) бўйича ҳайдалади. Бу маршрутда қўйларни ўтлатиш пунктлари, тунатиш жойлари ва ҳайдаш тезлиги кўрсатилади. Тоғли жойларда қўзили совлиқлар ҳар суткада энг кўпи 10 километр, бичилган қўчқорча ва урғочи қўзилар — 15 километр йўл босишлиари керак. Қўйларни ҳайдаш вақтида ўторларнинг бир-биридан узоқлиги камида 1 километр бўлиши керак.

Қўйлар уч суткалик йўлдан узоқроқ яйловга ҳайдалганида, уларни, айниқса қўзили совлиқларни ҳар икки кунлик йўлдан кейин сувга яқин жойда бир сутка дам олдириш керак.

Тажрибакор чўпонларнинг қўйлари яйловга ҳайдаш вақтида озмайди, балки аксинча вазни ортади. Ҳайдаш вақтида қўйлар равон юриши учун ҳар ўторда йўл бошлаб борадиган бир неча эчки бўлиши керак. Яйловларни ўторларга тақсимлашда ҳамма қўйлар тўйиб ўтлай оладиган бўлишини назарда тутиш зарур.

Ёзги яйловга келгандан сўнг чўпон, ферма мудири ёки зоотехник билан биргалалишиб, ўз ўтори учун ажратилган яйлов майдонини кўриб, шунингдек яйловнинг айрим участкаларидан ёз мобайнинда фойдаланиш тартиби ва муддатларини ҳамда қўйларни тунатиш жойларини белгилаб чиқиши лозим. Қўйларни тунатиш учун қуруқ, баланд жойлар танланади ва бу жойлар ҳар ойда камида 2 — 3 марта ўзгартириб турилади.

Тоғ яйловларида қўйларнинг яхши семириши яйлов мавсумининг бошидан охиригача қўйлар ёқтириб ейдиган кўк ўтларнинг оз-кўп-

лигига боғлиқдир. Ёш ўтлар озиқ моддаларга жуда бой бўлади ва уларни қўйлар иштаҳа билан ейди. Чўпон, ўз ўтори учун ажратилган яйловда қўйларни ўтлатишдан олдин, яйловни айрим участкаларга бўлиб чиқиши ва улар даги ўтларнинг оз-кўплигига қараб бу участкалардан навбатма-навбат фойдаланиши ҳамда қўйларни энг тўйимли кўк ўтлар билан доим таъминлаб туриш тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим.

Тоғ яйловларида қўйларни тоғ этакларининг, биринчи галда жанубий ёнбағирларнинг ўтлар эртароқ кўкарадиган ва эртароқ қуриб қоладиган пастки қисмларида ўтлата бошлиш керак. Бунда қўйлар аста-секин ўтлаб, тобора баландроққа кўтарилади, сўнгра тоғнинг сиртидан ошиб, ўтлар кечроқ кўкарадиган шимолий ёнбағирларга ўтади.

Ёз ўртасида (июлда, август бошида) қўйлар тоғнинг энг баланд қисмига, қор чегаралари яқинига ҳайдалиб, то кузгача бу жойда ўтлатилади. Август ўртасида қўйлар аста-секин пастга қараб ҳайдалиб, ёнбағирнинг ўрта ва пастки қисмларидаги яйловларда ўтлатилади.

Тоғ яйловларидан буидай фойдаланилганида қўйлар ҳамма вақт озиқ моддаларга бой бўлган кўк ўтларни ейди.

Қўйларни участкаларга бўлинган яйловларда ўтлатиш

Тоғ яйловларидан фойдаланишнинг юқорида баён этилган тартиби қўйлар загон усулида ўтлатилганида айниқса яхши натижа беради. Бу усул қўлланилганида қўйлар бирданига

бутун яйловга қўйиб юборилмай, балки яйлов бир неча кичкина участкага, яъни загонларга бўлинади ва бу участкалардан навбатма-навбат фойдаланилади. Бу участкаларнинг чегаралари тоғ ёнбағри, дара, анҳор, тоғ сирти, кўзга ташланиб турадиган қоя, сой ёки маҳсус уйиб қўйилган тошлар каби табиий чегаралардан иборат бўлиши мумкин. Шу йўл билан бутун яйлов майдони 10 участкага (загонга) ажратилилади.

Қўйларни ҳар загонда 4—6 кундан узоқ ўтлатиш керак. Қўйлар бундай қисқа муддат билан ўтлатилганида участкадаги ўтлардан яхшироқ фойдаланилади, яйлов камроқ поимол қилинади ва ўтлар тезроқ кўкаради. Биринчи марта ўтлатишдан кейин бир ярим ой ўтгач қўйларни бу участкага янгидан келтириш мумкин.

Яйлов қанча серўт бўлса ва янги ўтлар қанча тез кўкарса, ўтор учун шу даража камроқ загонлар ажратилади. Загоннинг катталиги чўпон қўйларни осонгина бошқара олишига ва қўйлар бир-бирига халақит бермай ўтлашига имкон берадиган бўлиши керак. Шу билан бирга загон жуда кичкина ҳам бўлмаслиги зарур, чунки бу ҳолда қўйларни ўтлатиш муддати узаяди ва қўйлар ўтларни унчалик яхши емайди. Загонларда қўйларни суғориш ва тунаш жойларига чиқадиган йўл бўлиши маъқул кўрилади.

Чўпон участка (загонни) чегаралашда шуни эсда тутиши керакки, загоннинг битта етук қўйга тўғри келадиган кенглиги 0,2—0,3 метр бўлиши, умумий узунилиги эса 1 километрдан

ошиқ бўлмаслиги керак. Бу ҳолда 500 — 600 қўй ўтлатиладиган битта загон тахминан 10—15 гектар бўлади.

Ҳар бир загондан тўғри фойдалапиш керак. Бунга эришмоқ учун чўпон ўторнинг олдидан юриб, айрим қўйларнинг илгарига ўтиб кетишига йўл қўймайди ва ўторнинг олдинги қаторини тўғрилаб туради. Ёрдамчи чўпон ўторнинг орқасидан юриб, орқада қолаётган айрим қўйларни ҳайдаб келтиради (7-расм).



7 - расм. Қўйларни тўғри ўтлатиш.

Қўйларни загоннинг ҳамма жойига бирданига қўйиб юбормаслик керак. Ўтор загонга чиқарилгандан кейинги биринчи соатларда, яъни қўйлар ҳали оч пайтда, загоннинг илгари ўтлатилган қисмида ўтлатилади ва ундаги ўтлар ейилиб бўлганидан кейингина янги жойга ўтказилади. Қўйлар биринчи галда ўтлари яхшироқ ўсган загонда ўтлатилади.

Қўйларни загондаги ўтлар 3—4 сантиметр баландликда қолгунча ўтлатиш керак. Ўтларнинг бундан пасайиб кетиши уларнинг янгидан кўкариб ўсишига ёмон таъсир этади.

Қўйлар ўтларни ёқтирмасдан еса ва безовталаниб ўт қидириб юрса, ўторни навбатдаги загонга кўчириш керак.

Ўтор учун хилма-хил загонлар ажратиш яхши натижа беради. Бу ҳолда ўторни дам бир загонда, дам иккинчи загонда ўтлатиш мумкин бўлади. Шу билан бирга куннинг анча иссиқ пайтларида ўтор сершира ўтли, салқинроқ пайтларда — қуруқ ўтли загонларда ўтлатилади.

Загон усули қўлланилганида қўйларни ҳайдаб юргизиш учун камроқ вақт кетади, қўйлар кўк ўт билан анча баравар даражада таъминланади, биринчи марта ўтлатилган загонда янги ўтлар кўкаради ва иккинчи марта ўталатилганида қўйлар бу ўтларни жуда ёқтириб ейди. Шундай қилиб, загон усули қўлланилганида яйловларнинг ҳосилдорлиги ошади, ўтларнинг сифати яхшиланади ва улардан унумлироқ фойдаланилади.

Қўйларни эркин ҳолда ўтлатиш

Яйловлардан бетартиб фойдаланилганида аҳвол бутунлай бошқача бўлади. Масалан, қўйлар эркин ҳолда ўтлатилганида биринчи галда энг яхши ўтларни ейди. Ейилмай қолган ўтлар тезда дағаллашиб, қўйлар кам ейдиган бўлиб қолади. Бундай ўтлатишда кўп ўт пайхон қилинади, кейин бундай ўтларни қўйлар камдан кам ейди ва улар ўтларнинг янгидан кўкариш шароитини ёмонлаштиради. Натижада яйловдаги фойдали ўтларнинг тикланиш шароити ёмонлашади, яйловни қўйлар емайдиган ўтлар босиб кетади. Буларнинг ҳаммаси яйловларнинг сифати пасайишига, ҳосили камайишига сабаб бўлади.

Қўйлар эркин ҳолда ўтлатилганида пастбаланд жойларда кўп юриб анча кучини беҳуддага кетказади. Бу ҳам қўйларнинг семиришига халал беради.

Қўйлар серўт яйловларда дастлабки бир ярим-икки соатда яхши ўтлайди, сўнгра тентираб юра бошлайди ёки ётади. Бу ҳолда қўйларга 40—60 минут дам бериб, сўнгра уларни янгидан ўтлатиш керак. Яйловда ўтлар кам бўлганида, қўйларнинг ўтлаб тўйиши учун кўпроқ вақт сарфланади.

Қўйлар ўтни яхши емаса, уларни ўтлатиш вақтида суфориш керак. Суфорилган қўйлар хусусан ҳаво иссиқ, қуруқ пайтларда яхшироқ ўтлайди. Қўйлар суфориб турилганида иштаҳа билан ўтлайди ва яхшироқ семиради. Қўйлар доим чанқатиб ўтлатилганида серўт яйловда ҳам озига кетиб вазни камаяди.

Қўйларни суфорадиган жой яйловдан 2 километрдан узоқ бўлмаслиги маъқул. Суфориш жойи бундан узоқ бўлганида қўйларни ҳайдаб бориш ва яна яйловга келтириш учун кўп вақт сарфланади, ўтлатиш вақти қисқаради ва қўйлар яхши семирмайди.

Йилнинг иссиқ пайтларида қўйлар кундузлари яхши ўтламайди, бу вақтда қўйларни кўпроқ дам олдириш яхши натижা беради; бунинг учун ҳар бир загонда қўйларни дам олдириш учун шамол эсиб турадиган баланд жой бўлиши керак.

Ёш қўзили совлиқлар ўтлатилганида, кун бирданига совиб, қаттиқ ёмғир ёки дўл ёғиб қолгундай бўлса қўзиларни жойлаш учун яйловлар яқинида пана жойлар бўлиши зарур.

ҚҮЙЛАРНИ ЯЙЛОВДА БОҚИБ СЕМИРТИРИШ

Қўйлардан кўп гўшт ва ёғ олиш учун уларни ёзги ва кузги яйловларда ўтлатиб семиртириш керак. Бунинг учун катта ва бир йиллик ахта қўйлардан ҳамда брак қилинган совлиқлардан маҳсус ўторлар тузилади.

Чўпон яйловда ўтлатиб семиртириш учун ўторлар тузишда жинси ва ёшлари жиҳатидан мумкин қадар бир хилдаги қўйларни танлашга ҳаракат қилиши керак.

Бир ёшлик ахта қўйлар семизлик даражасига қараб ўторларга бўлинади. Масалан, яхши ривожланган ва семизроқ қўйлардан бир ўтор, унчалик яхши ривожланмаган ва озғин қўйлардан эса иккинчи ўтор тузилади. Гўшт учун брак қилинган қари совлиқлардан ҳам алоҳида ўтор тузиб, уларга энг яхши серўт яйловни ажратиш маъқул кўрилади.

Яйловда боқиб семиртириладиган ўторларга қўчқорларни қўйиши ярамайди, чунки улар қўйларни ҳамиша безовталай беради. Яйловда семиртириб гўшт учун топшириладиган қўчқорларни бичиш ёки улардан алоҳида тўдалар тузиш зарур.

Яйловларда эндиғина кўкарған ёш ўтлардан фойдаланиш мақсадида, ахта қўй ўторлари кўкламда тузилади. Қўзилари қоракўл тери учун сўйилгандан кейин яйловда ўтлатиб семиртириш мақсадида брак қилинган қоракўл совлиқ тўдалари ҳам кўкламда ташкил этилади. Бошқа зотларнинг совлиқлари ҳамда эмизикли қоракўл совлиқлар қўзиларини ажратгандан кейин брак қилинади. Яйловда семиртириб гўшт учун

топшириш мақсадида қари, насл олиш учун ярамайдиган, шунингдек мастит (елин яллуғла-ниш) касаллиги билан оғриб тузалган ва доим қисир қоладиган совлиқлар ажратилиши керак.

Яйловда ўтлатиб семиртириладиган дағал ҳамда ярим дағал жунли етук ва ёш ахта қўйларнинг ўторлари 1000 бошгача, брак қилинган совлиқлар ўтори эса 600—800 бош қўйдан тузилади.

Яйловда ўтлатиб семиртириладиган қўйларнинг сони кам бўлганида, колхозлароро ўторлар тузиш мувофиқ кўрилади; бу ҳолда иккича колхознинг брак қилинган совлиқларидан ёки ахта қўйларидан битта ўтор ташкил этилади. Яйловда ўтлатиб семиртириладиган қўйларга яйлов ўтларидан ташқари ем ёки шелуха (чигит пўчоғи) ва яхши сифатли пичан ҳам бериб турйлса, қўйларни яйловда семиртириш ишлари тезроқ тугалланади.

Қўйлар яйловда ўтлатиб семиртирилганида ҳар қўйга бир суткада 10—15 грамм ҳисобидан туз бериб туриш керак.

ГЕРЛИГА

Қўйни кўздан кечириш ёки унинг туёқлари орасига кирган тошни чиқариб олиш учун, чўпон қўйларни тез-тез ушлаб олиши керак. Қўйлар жуда ҳурконгич бўлганидан, мўлжалланган қўйни бирданига ушлаб бўлмайди. Шимолий Қавказ, Украинада ва қадимдан берли қўйчилик билан шуғулланиб келаётган бошқа районларда чўпонлар қўйларни ушлаш учун герлига деб аталган асбобдан фойдаланадилар. Чўпон бошқа қўйларни безовталамасдан, ўзига зарур қўйни герлига билан жуда осон ушлаб

olandı. Lékin, Ürta Osiédagi čüponlar bu as-bobdan foidalanmайдылар.

Герлига: 1—икки метр узунликдаги таёк, 2—илмоқ, 3—металлдан қилинган кенг хамутча ва 4—ёғоч понадан иборат (8-расм).

Бу асбоб қуйидагича ишлатылады. Чүпон герлига ушлаган қўлини пастга тушириб аста-секин қўйга яқинлашади. Қўйга бориб етишга бир ярим-икки метр қолганида герлигани тезгина олдинга томон суради ва унинг илмоғи билан қўйнинг кейинги оёғини илинтириб олади. Сўнгра қўй ёнига келиб уни бўйнидан ушлайди ва герлигани қўлидан қўйиб юборади.

Қўйлар герлигага жуда тез кўникиб қолади ва оёғини илмоқдан чиқариб олишга уринмасдан, ўз жойида тура беради. Бу асбобни ишлатишга ўрганиб олган чўпонлар ундан жуда яхши фойдаланадылар.

ЧЎПОНЛАРНИНГ МЕҲНАТИНИ УЮШТИРИШ ВА УЛАРГА МЕҲНАТ ҲАҚИ ТЎЛАШ

Жун ва гўшт маҳсулотларини тобора кўпайтириш учун муҳим шартлардан, бири қўйчилик фермаларида чўпонларниң меҳнатини ва уларга меҳнат ҳақи тўлаш ишларини тўғри уюштиришdir.

Меҳнатни уюштириш. Одатда 3—4 кишидан иборат чўпонлар бригадасига қуйидаги ўторлардан бириктириб қўйилади:



8 - расм.
Герлига.

- а) 500 дан 700 бошгача майин ва ярим майин жунли совлиқлар ёки урғочи қўзилар ўтори;
- б) 600 дан 800 бошгача ярим дағал жунли, дағал жунли ва қоракўл совлиқлар ёки урғочи қўзилар ўтори (наслчилик фермаларида совлиқлар ўторидаги қўйларнинг сони 15—20 процент камайтирилади);
- в) оналаридан ажратилгач 16 ойлик бўлгунча ўстирилган 300—400 бошгача майин ва ярим майин жунли қўчкорчалар ўтори;
- г) оналаридан ажратилгач 16 ойлик бўлгунча ўстирилган 400—500 бошгача дағал, ярим дағал жунли қўчкорчалар ўтори;
- д) 600 дан 900 бошгача майин ва ярим майин жунли етук ҳамда ёш ахта қўйлар ўтори;
- е) 700 дан 1000 бошгача дағал ва ярим дағал жунли етук ҳамда ёш ахта қўйлар ўтори;
- ж) 600 дан 800 бошгача яйловда ўтлатиб семиртириладиган қўйлар ўтори;
- з) 100 бошгача насл қўчкорлари, подани тўлатиш учун асралаётган ва синоқчи (пробник) қўчкорлар ўтори.

Ўзбекистон колхозларида чўпонлар бригадасига битта ўтор бириткириб қўйиш усулидан ташқари, кейинги йилларда бригада усули ҳам қўлланилади. Бу ҳолда икки-учта қоракўл совлиқ ўторлари битта бригадага бирлаштирилади (лекин бир-бирига қўшилмайди). Бу усул қўлланилганида (масалан, Самарқанд область, Пахтакор районидаги «Ленинчи чорвадор» колхозида) иккита совлиқ ўторидан ҳамда оналаридан ажратилгач бир ярим ёшгача ўстирилган урғочи қўзилар ўторидан битта бригада тузилади. Бригада усулининг афзаллиги шундаки,

бунда совлиқлар қўзилаётган даврда қоракўл совлиқ ўторлари алоҳида группаларга (эмизкли совлиқ, қўзилари сўйилган совлиқ, қўзиламаган совлиқ группалари ва ҳоказоларга) ажратилмайди ва бу группаларни бригада ичida бирлаштириш қўйлайроқ бўлади. Бригада усули жорий қилинганида меҳнатни яхшироқ ўюштириш йўли билан анчагина ишчи кучлари тежалади.

Меҳнат ҳақи тўлаш. Совлиқлар ўторини қаровчи чўпонлар бригадасига меҳнат кунлари қўйидаги миқдорларда хисоблаб ёзилади:

онасидан ажратиш пайтигача ўстирилган ҳар бир майин ва ярим майин жунли қўзи учун 1,2 дан 1,5 гача меҳнат куни, ярим дағал жунли, қоракўл ва бошқа зотларнинг ҳар бир қўзиси учун 1 дан 1,4 гача меҳнат куни;

қўйлардан қирқиб олинган майин ва ярим майин жуннинг ҳар килограмми учун 0,4 дан 0,5 гача меҳнат куни, дағал ва ярим дағал жуннинг ҳар килограмми учун эса — 0,3 дан 0,4 гача меҳнат куни;

қиши даврида сақлаб қолинган ҳар бир етук совлиқ учун 0,08 дан 0,15 гача, ёз фаслида эса — 0,05 дан 0,1 гача меҳнат куни;

биринчи сортдан паст бўлмаган ҳар бир қоракўл тери учун 0,1 дан 1,2 гача меҳнат куни, бошқа сорт териларнинг ҳар бири учун — 0,6 дан 0,8 гача меҳнат куни;

бригадага бириктирилган совлиқлардан соғиб олинган сутнинг ҳар 100 литри учун 1,5 дан 2 гача меҳнат куни.

Чўпонлар бригадаси ёш қўйлар (урғочи кўзи, бичилмаган ва бичилган қўчкорчалар) ўторини

оналаридан ажратилган пайтдан бошлаб асосий ўторга ўтказилгунча боқса, бу қўйлардан қирқиб олинган жун учун чўпонларга меҳнат кунлари совлиқ ўторларидағидек ёзилади. Қиши даврида сақлаб қолинган ҳар бир ёш қўй (қўзи) учун 0,12 дан 0,5 гача меҳнат куни, ёз фаслида эса — 0,08 дан 0,12 гача меҳнат куни ёзилади.

Қўйларни яловда ўтлатиб семиртирувчи чўпонлар бригадасига семиртирилаётган қўйларнинг вазнига қўшилган ҳар 10 килограмм учун ойига 0,8 дан 1,5 гача меҳнат куни, қўйлар тарозида тортилмаган тақдирда ҳар қўй учун ойига 0,1 дан 0,15 гача меҳнат куни ёзилади.

Ахта қўйлар ўторини боқувчи чўпонларга қирқиб олинган жун учун меҳнат кунлари совлиқ ўторларидағидек миқдорда ёзилади. Қиши даврида сақлаб қолинган ҳар бир ахта қўй учун 0,06 дан 0,08 гача меҳнат куни, ёз даврида эса — 0,05 дан 0,07 гача меҳнат куни ёзилади.

Насл қўчқорлари ҳамда подани тўлатиш (ремонтлаш) мақсадида ўстирилаётган қўчқорчалар ва синоқчи қўчқорлар ўторини боқувчи бригадаларга қирқиб олинган майин ва ярим майин жуннинг ҳар килограмми учун 0,3—0,4 меҳнат куни ёзилади. Қочириш кампаниясига яхши тайёрланган ҳар бир насл қўчқори учун 1 дан 3 гача, сақлаб қолинган ҳар бир қўчқор учун эса ойига 0,5 дан 1 гача меҳнат куни ёзилади.

Бригадада ёзиладиган меҳнат кунларини чўпонлар бригадасининг аъзолари ўртасида тақсимлаш тартиби, қўйларни бригадага бириттириш вақтида, ҳар қайси чўпоннинг малакаси

ва иш стажи эътиборга олинган ҳолда колхоз правлениеси томонидан белгиланади.

Соқмончига оналари билан биргаликда сақлаб қолинган ҳар 10 қўзи учун, соқмондаги қўзиларнинг сони ва ёшларига қараб 0,2 дан 1,5 гача меҳнат куни ёзилади.

Эчкиларни боқувчи колхозчиларга меҳнат кунлари дағал жунли қўй ўторларининг чўпонлари учун белгиланган норма ва баҳолар юзасидан ҳисоблаб ёзилади.

Колхозларнинг қўйчилик фермаларидағи асосий меҳнат ҳақидан ташқари, натура (маҳсулот) билан қўшимча меҳнат ҳақи тўлаш усули ҳам кенг қўлланилади.

Чўпонлар бригадасига қўшимча меҳнат ҳақи йил бошида мавжуд бўлган етук ва биринчи марта қочирилган ёш совлиқларнинг ҳар 100 тасидан 102 дан кўпроқ майин ва ярим майин жунли қўзи ёки 100 дан кўпроқ дағал ва ярим дағал жунли қўзи ёхуд эчкиларнинг ҳар 100 тасидан 110 дан кўпроқ улоқ тугдириб, уларни оналаридан ажратилгунча ўстирганлик учун берилади. Бу ҳолда чўпонларга юқорида кўрсатилган сондан ташқари сақлаб қолинган қўзи ёки улоқларнинг ярмиси берилиши мумкин.

Бундан ташқари, етук қўйларнинг ёки қўзиларнинг камида 97 процентини йил охиригacha сақлаб қолганлик учун чўпонлар бригадасига 97 процентдан ташқари сақлаб қолинган барча қўй ёки қўзиларнинг ярмиси миқдорида қўшимча меҳнат ҳақи берилиши керак.

Яйловда ўтлатиб семиртирилаётган қўйлар ўртачадан юқори ёки ўртача даражагача семиртирилганида, қўйларни яйловда боқиб семир-

тирувчи чўпонлар бригадасига пландан ошириб давлатга топширилган ёки сотилган ҳар бир қўй учун қўшимча меҳнат ҳақи тартибида тирик вазн ҳисоби билан 1—1,5 килограмм гўшт берилади.

Насл қўчқорларининг ҳаммаси сақлаб қолинган ва яхши семиртирилган тақдирда ҳамда бутун фермадаги етук ва биринчи марта қочирилган ёш сөвлиқларнинг ҳар 100 тасидан камида 102 қўзи туғдирилганида насл қўчқорларини боқувчи чўпонларга ҳар бир насл қўчқори учун қўшимча меҳнат ҳақи тартибида тирик вазн ҳисоби билан 2 килограмм гўшт берилади.

Эчкичиликдаги қўшимча меҳнат ҳақи ҳам, худди қўйчилик учун белгиланган миқдорларда берилади.

Чўпонлар бригадаси ичида қўшимча меҳнат ҳақи бригада аъзолари ишлаган меҳнат кунларининг сонига қараб тақсимланади.

ҚЎЙ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ

КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

Қўйларда учрайдиган хилма-хил касалликлар қўйларни озиқлантириш, асраш ва парвариш қилиш ишлари нотўғри уюштирилиши ҳамда ветеринария ва санитария-профилактика қоидалари бажарилмаслиги натижасида пайдо бўлади.

Қасал молларни даволаб согайтиришга қарандан, касалликларнинг олдини олиш осонроқ эканлиги ҳаммага маълум. Шуни эътиборга

олиб ҳар бир чўпон қўйларни касалликлардан сақлаш учун зарур чораларни албатта билиши ва амалга ошириши лозим.

Қўй касалликларининг олдини олиш чоралари

Қўйларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш учун қўйидаги қоидаларга аниқ амал қилиш лозим, чунончи:

1. Ўторда қўйларни озиқлантириш, асраш ва парвариш қилиш ишларини тўғри уюштириш, зоотехника ҳамда ветеринария-санитария қоидаларини ҳар куни ва аниқ бажариш зарур.

2. Ўторга бегона одамларнинг киришига ва бошқа хўжаликларнинг моллари киргизилишига йўл қўймаслик керак. Ўторга бегона одамлар қўйчилик ферма мудирининг руҳсати билангина киргизилиши мумкин.

3. Қўйларнинг қўшни хўжалик моллари ёки ферма ёнидан ҳайдалаётган моллар билан аралashiшига йўл қўймаслик керак. Ўторга дайди итларнинг киришига мутлақо йўл қўймасдан, уларни ушлаб йўқотиш зарур.

4. Хўжаликка янги келтирилган қўйларни 30 кунгача карантинда тутиш керак. Шу вақт мобайнида қўйларни ветеринария врачи кўздан кечириб-текшириб туради. Карантин муддати ўтиб, қўйларнинг соғ эканлиги апиқланганидан кейингина улар ўторга қўшилади.

5. Ўтордаги қўйларнинг соғлигини ҳар куни текшириб туриш лозим. Касалланган ёки ўлган ҳар бир қўй тўғрисида дарҳол ветеринар ходимга билдириш керак. Ветеринар ходим етиб

келгунча касал қўйни ўтордан ажратиш ва у турган жойни дезинфекция қилиш лозим.

6. Касалликка учраган ва касаллик жиҳатидан шубҳали бўлган қўйларни асраш учун ҳар бир чорвачилик фермасида алоҳида бино-изолятор ёки алоҳида яйлов участкаси бўлиши керак.

7. Яйловда юқумли касаллик юз бериб қолганида соғлом ўторларни бошқа яйловга ҳайдаш ва касаллик пайдо бўлган ўтордаги қўйлар билан аралашишига йўл қўймаслик лозим.

8. Касаллик пайдо бўлган ўторларнинг чўпонлари соғлом ўторларга бормасликлари шарт.

9. Юқумли касалликларга учраган қўйларнинг қийини, ветеринар врачанинг кўрсатишига мувофиқ ёндириш ёки алоҳида жойга тўплаб, унга янги очтирилган оҳак эритмаси сепиш керак.

10. Юқумли касаллик пайдо бўлган хўжаликларнинг моллари ҳайдаб ўтилган яйлов ва йўлларда қўйларни ўтлатмаслик лозим.

Қўйларни бир жойдан иккинчи жойга зоотехник кўрсатган йўлдан ҳайдаш керак. Қўйларни ҳайдаб бориш, дам олдириш, тунатиш ва ўтлатиш вақтида уларнинг маҳаллий чорва моллар билан аралашишига йўл қўймаслик керак.

11. Қўйларга гижжа ва юқумли касалликлар юқишининг олдини олиш учун, қўйларни ботқоқ жойларда ўтлатмаслик ва кўлмак, ботқоқлик ҳамда суви оқиб чиқмайдиган ҳовузлардан суформаслик керак.

12. Ветеринария мутахассисининг кўрсатишига мувофиқ, ҳар йили камида икки марта (кўклим ва кузда) қўтон ва қўраларни қий ҳамда хас-чўплардан яхшилаб тозалаш; бино, қўраларни ҳамда катак, панжара, тоғора (охур)

каби ички асбоб-ускуналарни дезинфекция қилиш лозим.

13. Ҳайвон ўлимтикларини касалликнинг хил-турига қараб, ветеринар врачнинг кўрса-тишича, ёндириш ёки ҳайвон мозорига кўмиш ке-рак. Ҳайвон ўлимтикларини ветеринар врачнинг руҳсати бўлгандагина итларга едириш мумкин.

14. Ўторда юқумли касаллик юз бериб қолганида карантинга ва ветеринария-санитария қоидаларига албатта амал қилиш лозим.

ҚЎЙЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР

Куйдирги — қўй ва бошқа чорва моллар-да учрайдиган ўткир касалликдир. Куйдирги одам учун жуда хавфлидир.

Бу касаллик куйдирги микроби — таёқ-часининг таъсири билан бошланади. Куйдирги таёқчаси ташқи муҳитда споралар ҳосил қиласи ва тупроқ ичидаги кўп йилларгача сақланади.

Куйдирги касаллиги асосан унинг микроблари юқсан яйлов ҳамда сув манбаъларидан тарқалади. Касал молларнинг сўлак, қон ва сийдикларида жуда кўп микроблар бўлади; бу микроблар ҳайвон ёки одам танасига ўтганидан кейин қони ичидаги тез урчидига куйдирги касаллиги бошланиб кетишига сабаб бўлади.

Куйдирги микроби терининг яраланган-ти-
налган жойлари орқали, шунингдек куй-
диргидан ўлган молларнинг ўлимтигига ёки
куйдиргига учраган молларнинг танасига қўн-
ган чивин, пашша ва бошқа ҳашаротларнинг
тишлаган жойларидан юқиши мумкин.

Қўйларда куйдирги касаллиги кўпинча жуда тез кечади. Одатда соғдек кўринган қўй гандираклай бошлайди, оёқлари тортишиб йиқилади, тана температураси 42 градусгача кўтарилади. Бундай қўй бир неча минутдан сўнг ўлади.

Қўй ўлгандан кейин бурун катаклари оғзи ва орқа тешигидан тўқ қизил рангли кўпиксимон суюқлик келади. Қўйнинг ўлимтиги жуда тез шишиб, қавариб кетади. Қоши қорайиб деярли ивимайди.

Қўй куйдирги касаллигидан ўлганлиги гумон қилишганида, ушинг ўлимтигири ёриб кўриш ва терисини шилиб олиш тақиқланади.

Ветеринар врач етиб келгунча касал ҳамда касаллик жиҳатидан гумонли қўйлар соғ қўйлардан ажаратилади. Ўлимтикка пашшалар қўнмаслиги учун устига ўт ёки похол ташлаб қўйилади, итлар ёндоштирилмайди. Қасал ёки ўлган ҳайвонлар турган жой ҳамда уларни парвариш қилишда ишлатилган буюмлар 20 процентлии хлорли оҳак эритмаси ёки 10 процентлии олтингугурт-карбол аралашмаси билан юқумсизлантирилади. Ўлган қўй териси билан биргаликда шу жойининг ўзида ёндирилади.

Ветеринар врач соғлом қўйларни касаллашишдан сақлани, касал қўйларни эса даволаш учун дарҳол эмлайди. Қасаллик жиҳатидан хавотирли хўжаликларга карантин қўйилади.

Қўй чечаги — ўткир юқумли касаллик бўлиб, баъзан қўйларнинг кўпчилик қисмига тарқалади.

Бу касаллникини бошланишига касал қўйларни бўлган хўжаликларда карантин қондади.

алрига риоя құлмаслик, соглом хұжаликларға касал қүйларни, касаллик микроби илашған ем-хашакларни ва парвариш буюмларини келтириш сабаб бўлади. Чечак касаллигининг микроблари касал ҳайвоилларга ёндашған кишилар, ит ва парраңдалар воситаси билан тарқалиши ҳам мумкин.

Бу касалликка учраган қўйларнинг тана температураси 41—42 градусгача кўтарилади. Қўй бошини пастга солиб туради, озиқ ейиндан тўхтайди. Терининг жунсиз жойларида — лаблари, қулоқ супралари, елин ва қурсоқларида, шунингдек сонларининг ички томонларида ва тагида қизил доғлар, кейинчалик пуфаклар пайдо бўлади, бу пуфаклар қўрганидан кейин қўтирга айланади ва теридан кўчиб тушади.

Касаллик енгил ўтганида қўй 10—20 кундан кейин соғайиб кетади, аммо жун толаларига илашиб қолган ҳамда қўтон, яйлов ёки йўлларга тўкилган чечак қазгоқлари бошқа қўйларнинг касалланишига сабаб бўлади.

Чечак касаллиги пайдо бўлганида ўторлардаги қўйлар ветеринар ходимлар томонидан маҳсус вакцина билан эмланади. Чечак касаллиги пайдо бўлган ўтор ёки аҳоли турадигап пунктга карантин қўйилади. Шу билан бирга, ветеринар врачнинг кўрсатишига мувофиқ, чечак касаллигини тугатишга қаратилган бошқа чоралар ҳам кўрилади.

Оқсил касаллиги — қорамол, қўй, эчки, чўча ва туяларда учрайдиган юқумли касаллик дир. Бу касаллик билац одамлар ҳам оғриши мумкин.

Оқсил касаллиги чорва молларни ҳайдаб ўтиш, чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, хом ашё ва хашакларни ташиш вақтларида карантин ҳамда ветеринария-санитария қоидаларига амал қылmasлик натижасида тарқалади.

Бир жойда пайдо бўлган оқсил касаллиги жуда тезлик билан кенг доирага тарқалиши мумкин. Бу касаллик соғлом моллар касал молларга ёндашиши натижасида ёки сув, ем-хашак, тўшама ҳамда касал молнинг сўлаги ва сийдиги орқали ўтади. Оқсил касаллигини касал молларни боқиб юрган чўпонлар ҳам тарқатиши мумкин.

Оқсил касаллигига учраган қўйларнинг кўпинча оёқлари заарланади. Бу касалликка учраган қўйнинг чочаси ва туёқ ораси дастлаб қизаради, шишади ва оғрийди, сўнгра бу жойларда ичи суюқлик билаш тўлган пуфаклар пайдо бўлади. Пуфаклар тезда ёрилиб ярачага ва қуригандан кейин қўтирга айланади. Касал қўйлар оқсайди ва озиб қолади. Бу касаллик қўйларнинг оғзига ҳам ўтиши мумкин.

Оқсил касаллиги пайдо бўлганда ҳаммадан аввал унинг тарқалишини тўхтатиш чоралари кўрилади. Бу мақсад билан карантин чоралари кўрилади, заарланган яйловлардан ҳамда аҳоли турадиган пунктлардан қўй ва бошқа чорва молларни ҳайдаб ўтиш тақиқланади, ўтордаги қўйларни чиқаришга ва бошқа қўйларни ўторга киргизишга, шунингдек, карантинлашган пунктдан ташқарига чорвачилик маҳсулотлари ва ем-хашакларни олиб кетишга йўл қўйилмайди.

Оқсил касаллигига қарши курашиш тўғрисидаги инструкцияда кўрсатилган ҳамма тад-

бирлар ветеринар врачнинг кўрсатишига муво-
фиқ ўтказилади.

Бруцелләз — чорва молларда ва одамларда учрайдиган юқумли касалликдир. Бруцелләз микроблари унга учраган қўйларнинг қорни-
даги боласида, йўлдошида, жинсий аъзоларидан чиқадиган йирингли суюқлигида, сутида, гўн-
гида ва сийдигида бўлади.

Бу касаллик унга учраган қўйларнинг sog
қўйларга ёндашиши натижасида, шунингдек
ем-хашак, сув ва тўшама орқали юқади.
Касал қўйларга бевосита алоқа натижасида
ҳамда қайнатилмаган сут ва ундан тайёрлан-
ган маҳсулот орқали одамларга ҳам бруцелләз
юқиши мумкин.

Бруцелләзга учраган совлиқлар асосан бўғоз-
лик даврининг 3—4 ойида бола ташлайди.
Бола ташлаганидан кейин кўпинча бачадон
яллиғланади, йўлдоши ушланиб ва совлиқ
бепушт бўлиб қолади. Баъзан бўғимлар шишиб
кетади.

Бруцелләзга учраган совлиқлар одатда бир
марта, баъзан эса 2—3 марта бола таш-
лайди.

Бруцелләз касаллиги жиҳатидан гумонли
бўлган ўтордаги ҳамма қўйлар ветеринар томо-
нидан: бруцеллизат билан эмланиб текширилади.
Текшириш вақтида касалликлари аниқланган
қўйлар ажратилади ва сўйиш учун топширилади.
Бола ташлаган қўйлар дарҳол ўтордан чиқа-
рилади, уларнинг ташланган боласи эса тек-
шириш учун суюқлиқ сизиб оқмайдиган ва
жипс ёпиладиган яшикка солиб ветеринария
лабораториясига жўнатилади. Бола ташланган

жой яхшилаб тозаланади ва дезинфекция қилинади.

Бирор совлиқ боласини ташлаганида, шу түррида дарҳол ветеринар ходимга мурожаат қилиш керак. Бруцелләз касаллиги жиҳатидан гумонли ўторга ветеринар врачнинг рухсатидан бошқа янги қўйларни киргизмаслик лозим.

Бруцелләз касаллиги одамларга юқишининг олдини олиш учун касал қўйлардан соғиб олинган сутни қайнатмасдан ичмаслик ва ундан овқат маҳсулоти тайёрламаслик керак. Бундай сутни, албатта қайнатиш зарур.

Ҳар бир чўпон бруцелләз билан касалланмаслиги учун туғадиган ҳамда бола ташлаган совлиқларга ёрдам кўрсатиш вақтида жуда эҳтиёт бўлиб халат кийиши ва бу иш татом бўлгандан сўнг қўлларини ҳамда пойафзалини юқумсизлантириши лозим.

Фермани ёки ўторни соғайтиришга доир ветеринария-санитария тадбирларини ветеринар врач белгилайди. Барча чўпонлар бу тадбирларни беками-кўст ва ўз вақтида бажаришлари шарт.


Қўтирилган касаллиги — оддий кўзга кўринмайдиган жуда майдан каналарнинг таъсири билан бошланади. Қўтирилган каналари айниқса майин ва ярим майин жунли қўйларни қаттиқ зарарлайди.

Қўтирилган каналари жуда тез кўпаяди. Масалан, уруғланган битта урғочи каналдан 2—3 ой мобайнида бир неча миллион кана пайдо бўлиши мумкин. Урғочи кана қўл терисининг узун жунлар билан қопланган жойларида 60 дона-гача тухум қўяди. Уч-тўрт кун ўтгач

бу тухумлардан личинкалар чиқади; бир неча кундан сўнг личинкалар бошқа шаклга, яъни нимфага айланади. Нимфалардан етук каналар ҳосил бўлади. Кананинг тухумдан чиқиб этилишлари учун 17—20 кун талаб этилади.

Қўтир каналари ташқи муҳитда 45 кунгача нобуд бўлмай сақланади. Қўйлар қўтир канаси тушгандан кейин 2—3 ҳафта ўтгач оғрий босхлайди.

Қўтир каналари қўйнинг терисини тешиб озиқланади. Натижада терининг тешилган жойларида ичи суюқлиқ билан тўлган тариқ қадар



9-расм. Ўттир каналари:
а-тери устидаги канал; б-қичима канал.

қизғиш ёки сарғиш пуфакчалар пайдо бўлади (9-расм).

Касал қўйнинг териси жуда қичиганлиги сабабли, у қичиган жойларини қашиб, пуфак-

чаларни ёриб юборади. Натижада қўйнинг терисида яралар пайдо бўлади, кейинчалик бу яралар қуриб қўтирга айланади.

Қўтирилган касаллигига учраган қўйларнинг тери орқали нафас олиш ва терлаш тартиби бузилади. Бундан ташқари қўй жуда безовтала-ниши сабабли озиб қолади. Терининг қўтирилган жойларидаги жун қўпинча тамома-тўкилади. Озиб, жуни тўкилиб қолган қўйлар жуда тез шамоллаб касалланади.

Қўтирилган касаллиги хўжаликка иқтисодий жи-ҳатдан жуда катта зарар етказиб, чўпонларнинг бир неча ойлар давомида қилган меҳнатини беҳудага кетказади. Шуни назарда тутиб, қўтирилган касаллигига қарши тинмай курашиш лозим.

Бу касалликнинг олдини олиш учун, биринчидан соғлом ўторларни қўтирилган касаллигига йўлиққан ўторлар билан бирга асрашга йўл қўймаслик керак. Касал ўторларда бўлган от, эшак ва итлар соғлом ўторларга мутлақо бормаслиги лозим.

Иккинчидан — яқиндагина қўтирилган қўй ёки бошқа моллар ўтлатилган яйловларда соғлом ўторларни ўтлатмаслик керак.

Учинчидан — қўйлар асраладиган бинолардаги ҳамда дам олдириладиган жойлардаги гўнгни ўз вақтида тозалаш ва шу жойларни дезинфекция қилиб туриш лозим.

Тўртинчидан — қўтирилган касаллигининг олдини олиш учун йилига икки марта (кўкламда ва кузда) қўйларни гексахлоран-креолин эритмасида чўмилтириш лозим. Бунинг учун бир ҳисса сувга тўрт ҳисса креолин қўшилиб, 60—70 градусгача, яъни гексахлоран кукуни

Эригунча иситилади. Сўнгра бу аралашмага яна шунча сув қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади. Бу йўл билан тайёрланган аралашма — қуюқ эритма бўлади. Қўйлар чўмилтириладиган ванна шу қуюқ эритманинг ҳар 2,5 литрига 97,5 литр сув қўшилиб тўлдирилади.

Ваннадаги аралашманинг температураси (иссиқлиги) 25 градус бўлиши керак. Қўйлар эритмани ичиб қўймасинлар учун, уларни чўмилтиришдан олдин суғориш зарур. Эритманинг сифатини текшириш учун, дастлаб бир неча қўйни чўмилтириб кўриш керак.

Қўйлар ваннанинг бир бошидан иккинчи бошигача сузиб ўтганида эритма ичидага тахминан бир минут туради. Чўмилтириш вақтида қўйнинг калласи 1 — 2 секунд сувга ботириб тутилади. Ваннадан чиқсан қўйларни 15 минут ванна ёнида тутиб, сўнгра тана-жунини қуритиш учун шамол ўтмайдиган қуруқ бинога қамалади.

Қўтириш касаллигининг олдини олиш учун қўйларни ветеринария врачи ёки тажрибакор ветеринар фельдшер раҳбарлигида чўмилтирилиши керак.

Қўйлар креолин эртимасида чўмилтирилганида қўтириш касаллиги одатда битиб кетади. Қишида баъзи қўйларда қўтириш касаллигининг белгилари аниқланиб қолса, у ҳолда чўпон дарҳол қўйларни кўздан кечириб, терининг қўтириш қазгоқлари бўлган бир неча жойидаги жун толаларини очиб, шу жойларга гексахлоран дусти (кукуни) сепиши керак. Бу ишни ҳар 7 кундан кейин 3—4 марта такрорлаш зарур. Касал қўйларни согайгунча алоҳида жойда асраб, касалликлари тугатилгунча ҳам-

ма қўйларни ҳар куни текшириб туриш керак.

Куз-қиши фаслида қўйларни қуруқ дорилар, яъни ДДТ ҳамда гексахлоран дустлари билан даволаш энг арzon ва қулай усулдир. Бунинг учун терининг орқа, елка, думгаза, думнинг танага туташган жойи ва биқинларидағи жун толалари очилиб ҳар қўйга 30—40 грамм дуст сепилади.

Бутун ўтордаги қўйлар қиши фаслида икки ёки уч марта дориланганида қўтириб касаллиги пайдо бўлмайди.

Некробацеллёз касаллиги — айниқса бот-қоқ ёки тошлоқ яйловларда ўтлатилган қўйларда кўп учрайди. Бу касаллик шикастланган туёқ, оёқдаги яралangan ёки тирналган тери орқали юқади.

Касалланган қўйларнинг дастлаб туёқлари орасида, чочасида ва туёқ юмшоғида оғриқли бўртмалар, сўнгра қўланса ҳидли йи-ринг чиқиб турадиган ярачалар пайдо бўлади. Касал қўйлар оқсайди, тобора озади ва баъзан уларнинг туёқлари кўчиб тушади. Қўйнинг олдинги иккала оёғи касалланганида қўй тиззалари билан ўрмалаб юради. Бу касаллик қўйнинг лабларига ҳам ўтиши мумкин, бундай ҳолда уни «лаб калмарази» дейилади.

Некробацеллёз касаллигига учраган қўйларни дорилаш керак. Оёқларининг қўтирилаб қолган жойларини ва жонсизланиб (қуриб) қолган тўқималарини З процентли водород пероксиди, З процентли лизол ва юқумсизлантирадиган бошқа Эритма билан ювиб, сўнгра 10 процентли иод ёки 10 процентли мис купороси,

таёқча ляпис ва ҳоказолар билан күйдириш зарур.

Бу касаллик пайдо бўлган ўторни карантинлаш, яйлов ва сұғориш жойларини ўзгартириш, касал қўйларни ажратиб озиқлантириш ва асраш шароитларини яхшилаш лозим.

Касалликнинг олдини олиш учун қўйларни зах, ботқоқланган яйловларда ўтлатмаслик, ўткир тошли ерлардан ҳайдамаслик, қуруқ ерларда дам олдириш ва некробацеллёз касаллигига учраган қўйларни ўторга қўймаслик керак.

Брадзот касаллиги — тупроқда яшаб спора ҳосил қилувчи микроб таъсири билан бошланади. Бу касаллик одатда кўкламда ва ёзда, қўйлар яйловга чиқарилганидан кейин пайдо бўлади, бироқ йилнинг бошқа фаслларида ҳам авж олиб кетиши мумкин.

Брадзот касаллиги кўпинча жуда тез кечади. Юзаки қарашда соғ каби кўриниб турган қўй бирданига йиқилиб қолади, тишларини ғижирлатади ва томирлари тортишиб 20—60 минутда ўлади. Бу касалликка учраган қўйлар камдан-кам соғаяди.

Эндигина ўлган қўйларнинг ўлимтиклари ёриб қаралганида ширдони ва бальзан ўн икки бармоқ ичаги яллиғлангани кўрилади. Бу касалликлардан ўлган қўйларнинг ўлимтиги жуда тез шишиб кетади ва парчаланиб чирийди.

Брадзот касаллиги ҳар йили пайдо бўлади: ин ўтларда қўйларни яйловга ҳайдашга бир-бир ярим ой қолганида А. А. Волков вакцинаси билан эмлаш керак.

Эмлангап қўйлар орасида брадзот касаллиги пайдо бўлганида ўйларни қайси вақти эканлигига қарамасдан, қўйларни дарҳол эмлаш зарур. Бу касалликнинг микроби юққан яйловларга яқин жойларда ўтлатиладиган қўйларни ҳам эмлаш керак. Бундан ташқари яйловларни ўзгартириш, қўйхоналарни дезинфекция қилиш ва бошқалардан иборат ветеринария-санитария чораларини ҳам кўриш лозим.

Қўзиларнинг юракбуруғ қасаллиги — янги тугилган қўзиларда учрайдиган ўтқир юқумли касалликдир. Бу касалликни тупроқ микроби қўзғайди. Бу касаллик қўзичоққа — онасини эмган пайтда юқади. Қўзилар бу касаллик билан ҳаётининг дастлабки уч кунида, баъзан бешинчи-еттинчи кунида оғрийди. Баъзи ҳолларда туғилганидан кейин бир неча соат ўтгач касалланган қўзилар ҳам учрайди.

Касалликнинг белгилари—касал қўзиларнинг ичи кета бошлайди, ахлати дастлаб оч сариқ, сўнгра қорамтири тусда, кўпинча қон аралаш бўлади. Касал қўзи эммай қўяди, кўпинча ётади ва тобора дармонизланиб 2—3 кунда ўлади.

Кураш чоралари—юракбуруғи касаллиги пайдо бўлган ўторларда бўғоз совлиқлар икки марта: туғишларига 20—30 кун ҳамда 10—20 кун қолганида сиворотка билан эмланади. Биринчи эмлашда 2 кубик сантиметр, иккинчисида — 3 кубик сантиметр сиворотка юборилади. Ўтордаги эмланмагап совлиқлардан туғилган қўзилар орасида касаллик пайдо бўлганида, касал қўзиларни даволаш учун ҳам сиворотка ишлатилади.

Құзиларнинг юракбұруғы касаллигига қарши курашишда озодалик катта роль ўйнайды. Совлиқларни құзилатишга яхшилаб тайёрлаш, янги туғилған құзи ва совлиқлар асраладиган биполарни усқуналаш, ўз вақтида де-зинфекция қилиш зарур. Құзилатиш даврида ишлатиш учун етарли миқдорда тоза ва қуруқ түшама ғамлаб қўйиш, совлиқларнинг елинини ҳамиша тозалаб туриш, янги туғилған құзиларни шабада, захлик ва ёмғирдан сақлаш лозим.

Гижжа (гельминтоз) касаллуклари

Кўйларда гижжа касаллуклари кўп учрайди ва уларга йўлиқсан қўйлар, хусусан қўзиларнинг анчаси ўлиши сабабли бу касаллуклар қўйчиликка катта зарар етказади. Бу касаллукларга учраган қўйлар тобора озади, маҳсулдорлигини камайтиради ва ривожланишлари орқада қолади.

Гельминтоз касаллукларини қўзговчи гижжа (гельминт) лар қўй танасининг деярли ҳамма аъзоларини заарлаши мумкин. Гижжалар қўйнинг қорин, жигар, ичак, ўпка, қон томирлари, бош мияси ва бошқа аъзоларida яшайди. Кўйларда қўйидаги гижжа касаллуклари энг кўп учрайди.

Фасциолёз ёки жигар гижжа касаллиги — фасциола деб аталған яssi гижжаларнинг таъсири билаи бошланади. Бу гижжалар қўйларнинг жигаридаги ўт йўлларида яшайди.

Ўсиб етилған гижжаларнинг тухумлари ўт суюқлиги билан бирга жигардан ичакка ўтади ва ундан ахлат билан бирга ташқарига чиқади. Зах ерга тушиб қолған тухумлардан

личинка-қуртчалар пайдо бўлади. Бу личинкаларни анҳор, ботқоқлик, ҳовуз ёнларида яшовчи шиллиқ қуртлар ютади. Шиллиқ қурт ичига ўтиб олган личинкалар ривожланади ва кўпаяди, сўнгра янгидан ҳовуз ва ўтларга ўтади. Гижжа личинкаси ўт ёки сув билан бирга қўйнинг қорнига ва ундан жигарига ўтиб, бунда етук гижжага айланади.

Жигар ичига жойлашиб олган гижжалар жигарнинг тўқималарини парчалайди, ўт йўлларини беркитади, озиқ ҳазм қилиш органларининг ишини издан чиқаради.

Касалликнинг белгилари — қўйлар тобора озади ва дармонсизланиб қолади, уларнинг иштаҳаси бўғилади, ичи кетади, жағостида, кўкрак ва қурсоқ соҳаларида шишлар пайдо бўлади, шиллиқ пардалар саргаяяди.

Кураш чоралари — фасциолёз касаллиги пайдо бўлган ўторларда йилига икки марта дегельминтизация ўtkазилади, яъни қўй ва эчкиларнинг организми углерод (IV) хлорид билан гижжалардан тозаланади. Биринчи дегельминтизация январь-февраль ойларида, иккинчиси қўйлар яйловга чиқарилганидан кейин 5 ой ўтгач қилинади.

Қўйлар кечаю кундузлари яйловда асралганида фасциолёз касаллиги пайдо бўлган ўторлардаги қўй ва эчкилар йилига уч мартагача дегельминтизация қилинади. Бу ҳолда биринчи дегельминтизация январь-февраль ойларида, иккинчиси биринчисидан 5 ой ўтгач ва учинчиси иккинчисидан 2,5 ой ўтгач қилинади.

Бу касалликнинг олдини олиш учун қўйларни зах ерларда ўтлатмаслик ҳамда ботқоқ жой-

лардан ва суви оқмайдиган ҳовузлардан су-
формаслик керак.

Мониезиоз ёки лентасимон гижжа касаллиги. Бу қасалликни қўзғовчи лентасимон гижжа айрим бўғимлардан иборат бўлиб, қўйнинг ингичка ичагида яшайди. Гижжанинг тухумлари охирги бўғимида бўлади. Бу тухумлар етилганидан кейин қўйнинг ахлати билан бирга ташқарига чиқади. Яйловларнинг зах жойларида жуда кўп тупроқ каналари яшайди. Бу каналар лентасимон гижжа тухумлари билан озиқланади. Қўйлар яйловда ўтлатилганида кана илашган ўтларни еб, мониезиоз касаллигини юқтиради.

Касалликниң белгилари — бу касаллик билан асосан қўзилар оғрийди. Касалликка учраган қўзишинг ахлати суюқланиб, ичи кета бошлайди, ўсиши орқада қолади, у жуда тез озиб дармонсизланади ва жуни тўклилади. Ёз мавсумида касал қўзиларнинг 40—60 процентчаси нобуд бўлиши мумкин.

Кураш чоралари — ҳар йили мониезиоз касаллиги юз берадиган ўторлардаги ҳамма қўзилар йилига икки марта дегельминтизация қилинади. Буларнинг биринчиси қўйлар яйловга чиқарилганидан сўнг 25—30 кун, иккинчиси эса 35—40 кун ўтгач қилинади. Дегельминтизация даволаш мақсадида қилинганида, йилнинг ҳар қандай мавсумида ҳам ўтказилади.

Бундан ташқари қўйлар молхонага кўчирилганидан кейин икки ҳафта ўтгач, уларнинг ҳаммаси бир марта дегельминтизация қилинади. Қўйларни дегельминтизация қилишда мис

купоросининг 1 процентли эритмаси ишлатилиди.

Диктиакаулёз ёки ўпка гижжа қасаллиги — қўйларнинг кекирдагида ва бронхларида кўплаб тўпланадиган ипсимон ингичка гижжалар таъсири билан бошланади. Етилган гижжалар қўйларнинг бронхларига тухум қўяди. Бу тухумлар балгам билан бирга оғизга ва ундан ичакларга ўтади. Ичаклардаги тухумлардан личинкалар пайдо бўлади ва улар ахлат билан бирга ташқарига чиқиб, яйловга тарқалади. Зах яйловларда личинкалар икки марта туллайди ва юқумли бўлиб қолади. Қўйлар гижжа личинкалари билан ифлосланган ўтни ейиш ва сувни ичиш натижасида қасалланади.

Касалликниң белгилари — қўййутала бошлайди, йўталиш аста-секин кучая боради ва айниқса қўй юрган вақтда зўраяди. Қўй тез-тез ва қийналиб нафас олади, тобора дармонсизланади. Қасаллик бир неча ҳафта ва бир неча ойга чўзилиши мумкин. Қасал қўй жуда озади ва унинг нафас йўллари гижжалар билан тиқилиб қолади, натижада нафаси бўгилиб ўлади.

Кураш чоралари — диктиакаулёз қасаллиги пайдо бўлган ўторлардаги қўйлар кузда дегельминтизация қилинади. Иккинчи дегельминтизация биринчисидан камида 2 ҳафта кейин қишиш фаслида ўtkазилади. Дегельминтизация қилиш учун қўйларнинг кекирдагига кучсиз қилиб тайёрланган иод эритмаси пуркалади.

Бу қасалликнинг олдини олиш учун қўйларни зах ва ботқоқ жойларда ўтлатмаслик ҳамда қўлмак, ботқоқ ва суви оқмайдиган ҳовузлар-

дан сугормаслик керак. Қўйларни участкаларга бўлинган яйловларда ўтлатиш ҳам бу касалликнинг олдини олишда яхши ёрдам беради.

Эхинококкоз касаллиги — итларнинг ичакларида яшовчи эхинококк таъсири билан бошланади. Бу паразитнинг ичи тухумлар билан тўлган бўғим (пуфак)лари итнинг ахлати билан бирга ташқарига чиқади. Эхинококк бўғимлари ташки мухитда парчаланиб тарқалади, унинг тухумлари билан яйлов ўтлари, сув, тўшама ва ҳоказолар ифлосланади.

Қўйлар эхинококк тухумларини ўт ёки сув билан ютиб касалланади. Қўйларнинг ичакларида эхинококк тухумларидан онкосфералар (илмоқчали муртаклар) чиқиб қон томирларига ўтади. Кейинчалик бу муртаклар қон оқими билан бирга ўпка, жигарга ўтиб, унда ичи суюқлиқ билан тўлган пуфакларга айланади. Шундай қилиб, қўйларга бу касаллик гижжа билан оғриган итлардан кўпинча яйловларда юқади. Итлар эса ўлган ёки сўйилган молларнинг эхинококк пуфаклари билан заарранган ўпка ва жигарларини ейиш натижасида касалланади.

Кураш чоралари — эхинококкоз касаллигини тутатиш учун ўторлардаги қўйчивон итлар йилига тўрт марта дегельминтизация қилинади. Бу иш ветеринар врач томонидан ўтказилади.

Итларни қўйхоналарда ва ем-хашак сақланадиган биноларда асраш тақиқланади. Итларнинг күшхона территориясига киришига мутлақо йўл қўйилмайди.

Қўйларни сўйиш вақтида уларнинг эхинококк пуфаклари билан заарранган органлари

(ўпка-жигарлари) ерга кўмилади ёки ёндириб юборилади. Қўйнинг бу аъзоларини пиширмасдан итларга егизишга мутлақо йўл қўйилмайди. Фермаларда дайдиб юрган ҳамма итлар йўқ қилинади.

Ценуроз ёки айланчиқ касаллиги — итларнинг ингичка ичагида яшовчи гижжа муртаклари нинг таъсири билан бошланади.

Қўйларга айланчиқ касаллиги худди эхинококкоз сингари юқади, лекин бунда гижжа муртаклар қон оқими билан жигар ёки ўпкаларга ўтмасдан, балки қўйнинг миясига ўтиб, кейинчалик сувли пуфакка айланади.

Касалликни белгилари — пулфак қўйнинг миясини сиқиши сабабли касал қўй қаттиқ оғрийди. Бошини эгиб узоқ вақт бир жойда тура беради, тўсатдан олға қараб чопади, бир томонга қараб айлана беради, тисланади. Кўпинча ёш қўйлар касалланади, бу касалликка учраган қўйлар жуда тез озиб қолади ва ўлади.

Курашчоралари — айланчиқ касаллигига учраган қўйлар сўйилганида ёки ўлганнида уларнинг калласи ёндириб юборилади ёки итлар қазиб ололмайдиган чуқурликка кўмилади. Бу касалликка қарши бошқа жиҳатдан курашда ҳам эхинококкоз учун белгиланган тадбирлар қўлланилади.

ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИКЛАР

Гимпанит (қорин шишиш) касаллиги — кўпинча қўйлар кўк беда ва себарга, чириган пичан, бузилгап ем-хашак ва заҳарли ўтларни

еганида пайдо бўлади. Қўйлар эртә тонгда, ўтлардаги шабнам ҳали кўтарилимаган пайтда яйловга чиқарилганида ҳам бу касаллик юз беради. Қуруқ ем-хашак билан боқилаётган қўйларни тайёрламай туриб бирданига кўк ўтга чиқариш ҳам қорин шишиш касаллигига сабаб бўлади.

Касалликниң белгилари — қўй бошини эгиб туради, қийналиб нафас олади, қорнининг чап томони жуда шишиб кетади.

Кураш чоралари ва даволаш усуллари — қўйларни озиқлантириш ва асраш ишлари тўғри уюштирилиб, улар яйловга ўз вақтида чиқариб турилганида тимпанит касаллиги кам учрайди. Шу сабабли қўйларни озиқлантириш қоидаларига аниқ амал қилиш зарур.

Тимпанит касаллигига учраган қўйлар қорнида тўпланган газ (ҳаво)ни мумкин қадар тезроқ чиқариб юбориш йўли билан даволанади. Бунинг учун қорнининг чап томони массаж қилинади (уқаланади), қўйга бутилкадан нашатирли спирт эритмаси (1 бутилка сувга 1 чой қошиғи нашатирли спирт қўшиб тайёрланган эритма) ичирилади ва клизма қўйилади. Одатда тўпланган газларни камайтириб қоринни бўшатиш учун шу юқорида айтилган чоралар кифоя қиласди.

Қорни шишган қўй ўлишга яқинлашгани ҳолда троакар деб аталган маҳсус асбоб ишлатилади. Бу асбоб икки қисмдан, яъни металл най ва ўзакдан иборат бўлиб, касал молнинг қорнини тешиш ва ундаги газни чиқариш учун қўлланилади.

Қорин қүйидаги тәшилади. Троакарніңг ўткір учи қўйнинг чап томондаги оч биқини ўртасига қўйилади, сўнгра троакар дастасига кафт билан урилади. Найнинг бутуниси қоринга киргандан кейин, троакарнинг ўзаги чиқариб олинади. Бундай қилинганида найнинг тешигидан гувуллаб газ чиқа бошлайди. Газни бирданига чиқармай, балки оз-озлаб чиқариш керак. Бунинг учун найнинг тешигига вақт-вақти билан бармоқ босилади. Газ чиқиб бўлганидан кейин бир қўл билан тёрини босиб, иккичи қўл билан аста-секин бураб найни чиқариб олиш лозим. Теринипг тешилган жойига коллоид ёки тоза дёготь (қорамай) суркаш керак.

Яралар. Қўйнинг бирор жойи яраланиб қолса энг олдин қон оқишини тўхтатиш керак. Бунинг учун ярага водород пероксидининг ёки аччиқ тошнинг 3 процентли эритмаси сингдирилган гигроскопик пахта ёхуд марля (дока) қўйилади. Қўйнинг оёғи яраланиб кўп қон оқаётганида яраланган жойидан юқорироқдаги қисмини бинт билан қаттиқ қисиб bogлаб қўйиш зарур.

Қон оқиши тўхтатилгандан кейин яра атрофидаги жунни қирқиб; ярани тозалаш ва сўнгра иод суркаш ёки иодоформ кукуни сепиш керак. Ёзги иссиқ пайтларда қуртлардан тозалагандан кейингина ярага дори пуркаш ёки сепиш лозим. Ёзда пашшалар қўниб яранинг қуртлаб кетмаслиги учун, ярага нафталин сепиш яхши патижка беради.

Қўйнинг оёғи синса уни иккита юпқа таҳтача ўртасига олиб бинт билан қаттиқ қисиб боғлаш лозим. Қўйнинг бирор жойидаги сую-

Ги синса ёки қўй қаттиқ яраланса ветеринар врач ёки фельдшерга мурожаат қилиш керак. Врач ёки фельдшер қўйни даволаш йўлларини кўрсатиб беради ёхуд даволаб тузатиб бўлмайдиган касал қўйни брак қилиш тўғрисида акт тузади.

ЗАҲАРЛИ ЎТЛАРДАН ЗАҲАРЛANIШ

Қўйлар заҳарли ўтларни еб нобуд бўлишлари натижасида қўйчиликка анчагина зарар келади. Ўзбекистонинг чўл ва чала чўл яйловларида қўйлар жиддий заҳарланишга сабаб бўладиган заҳарли ўтлар кўп эмас. Ўзбекистонда энг кўп тарқалган бир йиллик заҳарли ўт — учмадир.

Учма ҳам, бошқа барра ўтлар каби, кўкламги илиқ кунлар бошланиши билан кўкаради. Кўкламда ёмғирлар кам бўлганида учма яхши ўсмайди, унинг баландлиги 2—4 сантиметрдан ошмайди. Бошқа фойдали ўтлар эса учмани босиб кетади, бу ҳолда қўйлар учмани кам ейди. Кўклам серёғин бўлган йилларда эса учма бошқа фойдали ўтлар билан бир даражада ўсади.

Кўкламги ўтлар орасида учма кўп бўлганида, қўйлар учма билан заҳарланади ва ўлади. Учма гуллаётган вақтда айниқса заҳарлидир. Учма гуллаганидан кейин қўйлар уни деярли емайди, чунки бу даврда учмада тиконли мевалар пайдо бўлади.

Қўйлар заҳарли ўт билан заҳарланганида уларнинг сўлаги оқа бошлайди, қўй бўшашиб қолади, унинг ичи кетади, томирлари тортишади, гандираклаб юради, ҳушсиз бўлиб қолади.

Қўйлар заҳарли ўтлардан заҳарланмаслиги учун яйловларни алмаштириб туриш керак. Чўпонлар заҳарли ҳамда фойдали ўтларни яхши билишлари ва кўп заҳарли ўтлар ўсган участкаларда қўйларни ўтлатмасликлари лозим.

Заҳарланган қўйларни кўпинча даволаб согайтириш мумкип. Бироқ, қўйлар заҳарланшига қарши курашнинг энг яхши усули заҳарли ўтларга химик дорилар пуркаш, ўсиб етилгандан кейин эса куйдириш ва бошқа йўллар билан яйловлардан йўқ қилиб юборишидир.

ВЕТЕРИНАРИЯ АПТЕЧКАСИ

Ҳар бир чўпонлар бригадасида қўйидаги дори ва асбоблар билан таъминланган ветеринария аптечкаси бўлиши керак, чунончи:

Глаубер тузи (сурги)	500	грамм
Бўр кислотаси кукуни	10	"
Вазелин	50	"
Цинк (рух) мази	50	"
Иод	50	"
Тоза скипидар	200	"
Доволаш учун ишлатиладиган креолин	100	"
Нашатирли спирт	50	"
Нафталин кукуни	50	"
Марля	1	метр
Каноп бинт	2	дона
Гигроскопик пахта	50	грамм
Ветеринария термометри	2	дона
Пинцет (мўйчунак)	1	"
Кичик троакар	1	"
Эгри қайчи	1	"
Скальпель	1	"
Резина спринцовка	1	"
Гексохлоран дусти (кукуни)	1	кг

Аптечкадан фойдаланиш қоидалари — иод яраларга суркаш учун ишлатилади. Вазелин терини юмшатиш учун суркалади, терининг тирналган жойларига ва қотиб қолган елинни масаж қилиш вақтида суркаш учун истеъмол қилинади. Цинк мази билан терининг тирналган жойлари ва эски яралар даволанади. Бу мазъяраларнинг тузалишини тезлаштиради ва уларни пашшалардан сақлади.

Скипидар баравар миқдорда сув билан аралаштириб, терининг қўтирган жойларига қўйилади ва қаттиқ лат еган жойларга ишқалади.

Тоза креолин терининг қўтирган жойларига қўйиш, ифлосланган яраларни ювиш ва қўлларни юқумсизлантириш учун ишлатилади. Бу мақсад билан 100 ҳисса сувга 3 ҳисса креолин қўшилиб 3 процентли эритма тайёрланади.

Глаубер ёки инглиз тузи — қўйларнинг ичи-ни суриш учун берилади. Етук қўйларга бир марта ичириш учун 50 грамм, қўзилар учун — 25 грамм миқдорида сарфланади. Бу туз бир бутилка иссиқ сувда эритиб, қўй-қўзиларга бутилкадан аста-секин ичирилади.

Нафталин яраларни пашша ва қуртлардан ҳимоя қиласди; яраларнинг тузалишини тезлаштиради. Нафталин дастлаб креолин, марганцевокислий калий эритмаси билан ювилган тоза яраларгагина сепилади.

Бўр кислотаси қўйларнинг кўзини ювиш учун ишлатилади. Бу мақсад билан 1 стакан қайноқ сувга 1 чой қошиғи бўр кислотаси қўшиб эритма тайёрланади.

Гексохлоран дусти қўтирган жойларни даволаш учун ишлатилади.

ЭЧКИЧИЛИК

Эчкиларнинг ҳам, худди қўйлар каби серсут, сержун ва сертивит зотлари бор.

Серсут эчкилар қаторига — заанен, рус, мегрел зотлари киради. Бу зотлар РСФСР, Украина, Белоруссия, Молдавия, Грузия ва Болтиқ ёни республикаларидағи кўпгина районларда ҳамда шаҳар ва ишчи посёлкалари зоналарида анчагина асралади. Булардан энг кўп сут берадиган заанен зоти бўлиб, 8—10 ойлик соғиш даврида битта заанен эчкидан 600—800 литр сут олинади. Эчки сути жуда тўйимли, болалар учун ва қорин-меъда касалликлари га учраган bemorлар учун айниқса фойдалидир.

Сержун эчкилар қаторига анқара зотлари киради. Совет Иттифоқига анқара эчкилари дағал жунли жайдари эчкилар билан чатишириш учун 1936 йили Америкадан келтирилди. Бироқ СССРнинг баъзи районларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳозир аслзот анқара эчкилари учрайди, аммо улар кўп эмас. Анқара эчкилари ярим майин, бир хил толали жун беради: жун толалари жуда ялтироқ, эгилувчаш ва пишиқ бўлади. Анқара эчкиларидаги жун толаларининг узунлиги 20—25 сантиметрга, баъзи эчкиларда эса 35 сантиметргача етади. Анқара эчкиларининг жунидан яхши газламалар, одеяллар, трикотаж, бахмал ва бошқа қиммат баҳо буюмлар ишлаб чиқарилади. Ҳар эчкидан ўрта ҳисоб билан 3—4 килограмм жун қирқиб олинади, бу жундан 70 процентга яқин тоза тола чиқади.

Сертифит әчкілар қаторыға Придоні, оренбург
ва бошқирд зотлари киради. Эчки тивити қим-
мат баҳо хом ашёдир. У пишиқ, әгилювчан, жуда
енгил бўлади, иссиқликни кам ўтказади ва яхши
йигирилади. Эчки тивитидан яхши рўмollар,
нафис газламалар, фетр ва ҳар хил трикотаж
буюмлар тайёрланади. Придон зот әчкілар бир
йилда 500—600 грамм, бошқа зотлар эса бир
мунча камроқ тивит беради.

Ўзбекистондаги жайдари әчкіларнинг кўп-
чилиги дағал жун беради, жупидаги тивит миқ-
дори 25—30 процент бўлади. Ҳар эчкідан ати-
ги 450—600 грамм жун, 100—120 грамм тивит
олинади. Бу әчкілар йилига 100—150 литр сут
беради. Ҳар эчкінинг вазни 40 килограммга
яқин келади. Ўзбекистондаги жайдари әчкілар
сут, жун, гўшт маҳсулотлари берадигап зотлар-
га киргизилади.

1937 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг жайдари
әчкіларини анқара такалари билан чатиштириб
яхшилаш ишлари олиб борилади. Ҳозирги вақт-
да ўзининг жун маҳсулоти жиҳатидан анқара
зотига яқин бўлган сержун әчкілар бор. Улар
асосан Наманган областининг Чуст ва Поп
районларида урчтилади. Бу әчкілар маҳал-
лий об-ҳаво шароитларига яхши мосланган;
Улар яхши ялтираб турадигап, оқ раңгли, узун
(15—20 сантиметр) толали ярим майин жун
беради. Ҳар эчкідан ўрта ҳисоб билан 2—2,5
килограмм жун олинади. Уларниг вазни дағал
жунали жайдари әчкіларницидан камроқ, аммо
асл зот анқара әчкіларницига қараганда ошиқ-
роқ бўлади. Бу сержуп әчкілар дагал жунли
жайдари әчкіларга нисбатан бир неча баравар

кўпроқ даромад беради. Шу сабабли, жайдари эчкиларни тобора кўпроқ янги зот такалар билан чатиштириш зарур.

Наслчилик ишлари яхшиланганида ҳозирги тивитли жайдари ўзбек эчкилари анча яхшиланиши ва кўпроқ тивит бериши мумкин. Ҳозир Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институти бу ишни Наманган ва Тошкент областларининг бир қанча колхозларида олиб бормоқда. Бу колхозларда вужудга келтирилган сертивит наслдор эчкилар ўрта ҳисоб билан 450—500 грамм, баъзилари эса 800 граммгacha қиммат баҳо тивит бермоқда. Демак, Ўзбекистонда сертивит эчкилар ҳам тобора кўпайтирилиши лозим.

Ўзбекистондаги кўпгина колхозлар жайдари эчкиларнинг тивитини тараб олмасдан жуни билан биргалиқда қирқиб оладилар. Аммо тивит тараб олинганида, хўжаликнинг эчкичиликдан олаётган даромади анчагина кўпайиши мумкин.

Эчкиларнинг тивити туллаётган вақтда тараб олинади. Ўзбекистонда эчкилар февраль охирида туллай бошлайди, уларнинг туллаши секинлик билан кечади. Шунинг учун эчкиларнинг тивитини икки марта, яъни февраль охирида (эчки туллай бошлаганида) ва 18—20-мартда (туллашнинг охирида) тараб олиш керак. Биринчи марта тараб олинган тивит анча майинроқ, ва қилтиқ жун билан камроқ ифлосланган бўлади. Иккинчи марта тараашда тивитга қилтиқ жун кўпроқ аралашади. Биринчи марта тараб олинган тивитда 10 процентдан, иккинчи марта тараб олинган тивитда эса — 20 процентдан ортиқ қилтиқ жун бўлмаслиги лозим.

Биринчи тараш вақтида олинган тивитнинг қилтиқ жунлари 10 процентдан ошса, аммо 20 процентдан зиёд бўлмаса, бундай тивит иккинчи марта тараб олинган тивит ҳисобига киргизлади. Қилтиқ жун миқдори 20 процентдан ошса, аммо 60 процентдан зиёд бўлмаса, бундай тивит, шунингдек тивитли эчкиларнинг жунини қирқишиш вақтида олинган тивит жобаж сорт ҳисобига киргизилади. Қўл билан ажратиб бўлмайдиган даражагача кигизланиб қолган тивит бракка ўтказилади.

Тивитни тараб олиш эчкичиликдан келадиган даромадни ошириш билан бирга, жун топшириш мажбуриятини бажариш учун ҳам колхозларга анча ёрдам беради, чунки биринчи марта тараб олинган тивитнинг 1 килограмми 4,8 килограмм, иккинчи марта тараб олинган тивитнинг 1 килограмми 4 килограмм, жобаж сорт тивитнинг 1 килограмми эса 2,4 килограмм дарал жун ҳисобига ўтказилади.

Эчкиларни озиқлантириш, асраш ва парвариш қилиш тадбирлари қўйчиликда қўлланилаётган тадбирлардан фарқ қилмайди.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўзбоши	3
Ўзбекистон қўйчилиги тарихидан	9
Жун ва унинг хоссалари	12
Жун	12
Жуннинг хоссалари	15
Қўйчиликдаги асосий ишлар	21
Қўзиларни оналаридан ажратиш ва совлиқларни қочиришга тайёрлаш	21
Совлиқларни қочириш	24
Совлиқларни сунъий йўл билан қочиришга тайёрлаш	25
Насл қўчқорларини танлаш	25
Насл қўчқорларининг қочириш давридан бошқа вақтдаги озиқ рациони	26
Куюккан совлиқларни танлаб олиш	28
Сунъий йўл билан қочириш техникаси	29
Қўйларни қишида асраш	31
Қўйларни қўзилатиш ва қўзиларни ўстириш	37
Соқмончилар тайёрлаш	41
Қўзилаш вақтида совлиқтарга ёрдам бериш	42
Совлиқларни туқсанларидан кейин сугориш ва озиқ- лантириш	46
Йўлдошнинг ажралниши	46
Янги туғилган қўзиларни парвариш қилиш	47
Соқмонлар тузиш ва қўзиларни парвариш қилиш	49
Қўйларни бонитировка қилиш	51
Майин жунли қўйларни бонитировка қилиш	54
Майин ва дагал жунли зотларнинг дурагайларини бонитировка қилиш	55
Думбали қўйларни бонитировка қилиш	57
Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш	58

Кўйларга эн солиш	61
Кўйларнинг жунини қирқиши	66
Жун қирқиши пункти	68
Кўйларни жун қирқишига тайёрлаш	69
Кўйларнинг жунини қирқиши қоидалари	71
Жуни қирқилган қўйларни парвариш килиш	73
Жуни ҳисобга олиш, классларга ажратиш ва тойлаш	74
Кўйларни ёзда асраш	78
Кўйларни участкаларга бўлинган яйловларда ўтлатиш	81
Кўйларни эркин ҳолда ўтлатиш	84
Кўйларни яйловда боқиб семиртириш	86
Герлига	87
Чўпонларнинг меҳнатини уюштириш ва уларга меҳнат ҳақи тўлаш	88
Кўй касалликлари ва уларга қарши курашиб чоралари	93
Кўй касалликларининг олдини олиш чоралири	94
Кўйларда учрайдиган юқумли касалликлар	96
Гижжа (гельминтоз) касалликлари	108
Юқумсиз касалликлар	113
Заҳарли ўтлардан заҳарланиш	116
Ветеринария аптечкаси	117
Эчкичиллик	119

На узбекском языке
**ПАМЯТНАЯ КНИЖКА
 ЧАБАНА**

Госиздат УзССР — 1957 — Ташкент

Таржимон А. Ҳасанов
 Редактор Ҳ. Бегишев

Техредактор А. Бахтиёров
 Корректор З. Содикхўжаева

Теришига берилди 13 IV-1957 й. Босишига рухсат этилди 12/VII-1957 й.
 Формати 70×92^{1/2}. Бос. л. 3,875. Шарт. б. л. 4,53. Нашр. л. 4,4.
 Тиражи 5000. Р 03392. Индекс: қ.х. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти.
 Тошкент, Полиграф кўчаси, 71. Шартнома № 470—56.

Ўзбекистон ССР Маданият министрилиги Главиздатининг
 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 33, Заказ № 1061.
 Баҳоси 2 с. 85 т.